



# VATANDOSH

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

Нархи: \$0.25

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | АҚШдаги биринчи ўзбекча газета | 2012 йил 25 апрель, № 4 (15)



*Озодбек  
Назарбеков*

«VATANDOSH»  
газетаси меҳмони  
**6-бет**

## БРУКЛИНДА ВАТАНДОШЛАР УЧРАШДИ

Одамзод руҳи, моҳияти,  
иймони, тили ва ватани билан бошқа  
мавжудотлардан ажралиб туради

**2-бет**

**Амир Тему**

**бугунги куннинг ҳам**

**қаҳрамони**

Нега айнан у миллат  
тимсолига айланди?

**4-бет**



«Ўткан кунлар»нинг

аччиқ сабоғи

**10-бет**

### Яна бу сонда:

Гудбай, Эпика!

**4-бет**

Россия нажот маконими ёки  
муаммолар уясими?

**5-бет**

«Ё Америка, ё депортация»

**9-бет**

**«Ватандош»ни Youtubeda томоша қилинг**

Яқин кунларда "Ватандош"нинг Youtubedaги  
[www.youtube.com/vatandosh](http://www.youtube.com/vatandosh) канали орқали Абдурахим Ҳамидов билан  
ўзбек муסיқасининг дунё маданиятига  
қўшган хиссаси ҳақида интервьюни томоша қилинг!



Доставка товаров в Узбекистан

Надежность, Оперативность и высокое Качество обслуживания

Parcels and Documents Delivery to Uzbekistan  
Reliable, efficient and high quality services

USA

3075 Brighton 14 street, apt.34b

Brooklyn, New York.

11235-5561

Tel.: +14077220408

[www.khaymansgroup.com](http://www.khaymansgroup.com)

e-mail: [info@khaymansgroup.com](mailto:info@khaymansgroup.com)

Газетага сайтимиз орқали обуна давом этмоқда: [www.vatandosh.com/obuna](http://www.vatandosh.com/obuna)



# БРУКЛИНДА ВАТАНДОШЛАР УЧРАШДИ

**"Ватандош" ўтган сонида ўзбек тилида газета чоп этиш зарурати мушоҳада юритган эдик. Дарҳақиқат, одамзод руҳи, моҳияти, иймони, тили ва ватани билан бошқа мавжудотлардан ажралиб туради. Шу боис ҳам дунёнинг қайси нуқтасида яшамайлик, ўзлимиз, ўтмишимиз каби миллий риштага боғланиб тураемиз. Қерда бўлмайлик, қалбимизнинг бир бурчи киндик қонимиз тўкилган ёки ота-бобомиз яшаган тупроқ билан бўлади, унга интилади.**

Барчага маълумки, бугун Америкада 100 минг нафарга яқин ўзбек диаспораси истиқомат қилади, турмуш кечиради, хизмат қилади. Бугун улар нафақат АҚШ жамиятининг бир қисми, балки ўзбек миллий маданияти, қадрияти ва одатларининг муҳим бўғини сифатида ҳаёт кечиришмоқда. Бунда, албатта, миллатимиз, халқимиз равнақи, миллий маданиятимиз тарғиботига бағишлаб ўтказилаётган турли тадбирларнинг аҳамияти жуда катта.

Хусусан, яқинда Бруклинда бир қанча ҳамюртларимиз Америкадаги муаммолар хусусида фикр алмашиш учун йиғилишди. Лутфулла Тўра таклифи билан ташкил этилган мазкур тадбирда Жўра Бўтакўз, Норхўжа Содиков, Абдулвоҳид Сабри, Абдураҳим Ҳамидов, Абдураҳмон Мамажонов, Убайдулла Нурота, Ҳикмат Султон, Мақсуд Тожибоев иштирок этди. Тадбирда, аввало, она тилимизни асраб-авайлаш, айниқса, ушбу тилни ривожлантириш учун тинимсиз меҳнат қилган бобокалонларимиз - Маҳмуд Қошғорий ва Алишер Навоийнинг ишлари ҳақида Лутфулла Тўра фикр юритди. Абдураҳим Ҳамидов эса ўзбек мумтоз

куй-қўшиқлари, уларнинг аҳамияти хусусида сўзлади.

Шундан сўнг "Ватандош" газетаси фаолияти ҳақида нашр муассиси Фарҳод Султон ахборот берди. Таъкидланганидек, "Ватандош" Америка диёрида биринчи ягона ўзбек газетаси сифатида ўз фаолиятини бошлаганига ҳам бир йил тўлди. Газета, аввало, АҚШга кўчиб келаётган иммигрантларга ҳуқуқий, ижтимоий, тиббий ва бошқа бир қатор йўналишларда ахборот бериш орқали ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб олган. Шу билан бир қаторда, "Ватандош" узоқ йиллардан бери АҚШда истиқомат қилаётган ўзбекларнинг турмуш-тар-

зи, уларнинг ҳаёти, бу оилаларда тилимиз, урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Айни чоғда газета саҳифаларида тарихимиз, адабиётимиз, маданиятимиз ва санъатимизга оид турли мавзуда мақолалар бериб борилмоқда.

Ўтган давр мобайнида "Ватандош" газетасини оммалаштириш, уни хориждаги ҳамюртларимизга янада яқинлаштириш мақсадида тахририят томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Бугун газета Нью-Йоркнинг 130 дан ортиқ жойларида тарқатилмоқда. "Ватандош"га АҚШнинг барча штатлари-

да, шу билан бир қаторда, дунё бошқа мамлакатларида ҳам обуналар йўлга қўйилди. Чунончи, бугун газета Германия, Туркия, Саудия Арабистони, Канада, Англия сингари мамлакатлардаги обуначиларимизга етказиб берилмоқда. Газетанинг интернетдаги веб-сайти - [www.vatandosh.uz](http://www.vatandosh.uz) ҳам кўпчиликнинг диққат-эътиборига тушди. Бугунги кунда сайтимизга жойлаштирилган мақолалар кунига ўртача 800-1000 мартагача ўқилмоқда. Умуман, сўнгги етти ой давомида сайтдаги мақолаларни 126 минг мартабадан зиёд ўқилгани фикримизни тасдиқлайди.

Газетанинг интернет сайтига мақолалар билан танишиш учун АҚШ, Ўзбекистон, Россия, Туркия, Англия сингари 44 мамлакатдан интернет фойдаланувчилари кирган. "Ватандош" муассиси газета олдида турган мақсадлар хусусида фикр юритди. АҚШдаги ўзбекларнинг кундалик турмуши учун зарур аҳамиятга эга бўлган турли мақолаларни бериб бориш, айни чоғда Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларини изчил ёритиш, маданият, санъат ва бошқа йўналишларда ўқувчиларни қизиқтирган материалларни кўпайтириш, интернетдаги веб-сайтимизни чет элдаги ўзбеклар учун ҳақиқий ахборот порталига айлантириш шулар жумласидандир.

Тадбирда, шунингдек, миллий таомлар тортилиб, ўзбек миллий мумтоз куй ва қўшиқларидан ижро этилди.



## Ватандошимизга шошилишч ёрдам керак

**Вашингтондаги касалхонада ҳамюртларимиздан бири миясига қон қуйилиши оқибатида оғир аҳволда ётибди. Унинг ҳола-аҳволидан хабар олиб турган дўстларимизнинг айтишича, дўхтурлар шу кунларда миядаги қонларни тозалашга ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг айтишича, бу жараён икки ҳафтагача чузилиши мумкин экан.**

Ҳурматли Ватандошлар!  
Йигитнинг исми-шарифини ошкор қилмасликка қарор қилдик.

Шу билан бир қаторда, дўхтурлар касалнинг ота-онасини имкон қадар тезлик билан чақиришни тайинлашди. Ватандошимизнинг ота-онаси шу кунларда ОВИР визасини олиш учун ҳаракат қилапти. Тез кунларда элчихонага кириш ва АҚШга келиш

имконига эга бўлишади, деган умиддамиз.

Шуниси ҳам борки, унинг ота-оналари самолёт учун чипта олиш учун етарли маблағи йўқ экан. Қолаверса, улар Америкага келгач, яшаши ва кун ўтказиши керак бўлади. Ҳозирча хастанинг дўстлари туну кун унинг аҳволдан хабардор бўлиб туришибди, қолаверса, улар йигитнинг ота-онасини ҳам ўз уйларида

қабул қилишга тайёр. Аммо биз сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз.

Азизлар!

Ҳаммамиз Америкада мусофиримиз. Бир-биримизга оғир кунларда, бошга кулфат тушганда ёрдам беришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Шу боис ватандошимизнинг ота-онаси келгунга қадар қўлдан келгунча бир-икки сўм йиғишни ният қилдик. Ушбу маблағнинг ота-онаси келиши билан уларга берамиз.

Агар сизда ҳамюртимизга ёрдам бериш имкони бўлса, илтимос, **ЎЗ ЭҲСОНИНГИЗНИ АЯМАНГ!**

Азизлар, яна бир марта ҳамюртимиз соғлиғи учун дуо қилишингизни сўраймиз!

Vol. 4 (15), Thursday,  
April 25, 2012

Publisher:  
**Farhod Sulton**  
farhod@vatandosh.com

Editor-in-Chief:  
**Behzod Mamadiev**  
behzod@vatandosh.com

Deputy Editors:  
**Davronbek Tojialiev**  
davronbek@vatandosh.com

**Mavlon Shukurzoda**  
shukurzoda@vatandosh.com

Editors:  
**Alisher Aymatli**  
aymatli@vatandosh.com

**Toshpulat Rahmatullaev**  
toshpulat@vatandosh.com

Managing Editors:  
**Jora Bo'takoz**  
**Lutfulla To'ra**  
**Narkhudja Sadikov**  
**Abdulvohid Sabri**  
**Abdurahim Khamidov**  
**Abdurahmon Mamanjanov**  
**Ubaydulla Noorota**  
**Hikmat Sulton**  
**Tamara Nazarova**

Web Developers:  
**Shukhrat Pardaev**  
**Shohruh Kenjaev**

Partner organization:  
**Uzbek Association of Commons**

**Editorial and Executive office:**

2705 Coney Island Ave.  
Brooklyn, NY, 11235  
**Phone:** 646.397.0325  
**Web:** [www.vatandosh.com](http://www.vatandosh.com)  
**Email:** [info@vatandosh.com](mailto:info@vatandosh.com)

*All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.*

*The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view.*

*We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.*

## "ВАТАНДОШ"ГА ОБУНА БЎЛИНГ:

Газетамизга обуна бўлинг. "Ватандош" ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

[www.vatandosh.com/obuna](http://www.vatandosh.com/obuna)



# АПРЕЛЬ ОЙИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

## Шимолий Кореянинг баллистик ракета синови муваффақиятсизликка учради

**Шимолий Корея томонидан узоқ муддат давомида фазога учирилиши айтиб келинаётган илмий сунъий йўлдош синови муваффақиятсизликка учради.**



Хавода бор-йўғи бир минут атрофида турган ушбу ҳаво кемаси расмий Пхеньянга халқаро ҳамжамият томонидан янги санкцияларга сабаб бўлиши мумкин. Чунки дунё ҳамжамияти Шимолий Корея раҳбариятидан ушбу синовни ўтказмасликни талаб қилиб келаётган эди.

Жумага ўтар кечаси "Ынха-3" баллистик ракетаси бортида сунъий йўлдош билан ҳаво кўтарилди. Аммо Япония ва Жанубий Корея ҳарбийларига кўра, ракета осмонда узоғи билан бир дақиқа турган, холос.

Пентагон маълумотларига қараганда, ракета ҳатто атмосфера қобиғини ҳам кесиб ўтмаган. Ракета қолдиқлари, сўнги маълумотларга кўра, Жанубий Кореянинг ғарбий қисмидаги Кунсан шаҳридан 200 километр йироққа келиб тушган. Корея Халқ Демократик Республикасининг ушбу хатти-ҳаракатларидан нафақат Ғарб мамлакатлари, айти пайтда Россия ва Хитой ҳам ўз ташвишини билдириб ўтган.

## Мева-чевага тақиқ қўйилди

**Россия Федерациясига Озарбойжон, Тожикистон ва Ўзбекистондан йўловчилар багажларида ўсимлик маҳсулотларини олиб киришга вақтинчалик тақиқ қўйилди.**

Унга кўра, Россия ҳудудига ушбу мамлакатлардан олиб келинадиган карантин остида маҳсулотлар Россия ва халқаро фитосанитар талаблари асосида олиб кирилиши керак. Ушбу мамлакатлардан йўловчилар томонидан олиб кириладиган турли ўсимлик маҳсулотларида зараркундаларнинг борлиги мазкур қарор қабул қилинишига сабаб бўлган. Эслатиб ўтамиз, март ойида Россия кишлоқ ҳўжалигини назорат қилиш инспекцияси бу борада огоҳлантириш берган эди.



## Солиқ декларациялари текширилади

**АҚШ давлат солиқ хизмати фуқаролар томонидан топширилган 2 миллиондан ортиқ декларацияни фирибгарлик ҳолатларига барҳам бериш мақсадида текшириб чиқишини маълум қилди. Ўтган йили худди шундай мақсадда 2,1 миллион декларация текширилиб, 260 мингдан ортиқ фирибгарлик ҳолатлари аниқланган. Натижада, давлат бюджетига 1,4 миллиард доллар келиб тушган.**

## Президентни уялтиришди

**АҚШ президентининг Колумбияда Америка саммитида иштирок этишига тайёргарлик кўриш учун муқаддам келган АҚШ махфий хизматининг 11 нафар ходими Қўшма Штатларга чақириб олинган.**



Бунга уларнинг хизмат интизомини бузганлиги сабаб бўлган. Тасдиқланмаган маълумотларга қараганда, хавфсизлик хизмати ходимлари маҳаллий фоҳишалар хизматидан фойдаланган бўлиши мумкин. Уларнинг беш нафари аллақачон ҳарбий казармада сақланмоқда.

Президент ва унинг оиласи хавфсизлиги учун масъул бўлган Махфий хизмат ходимларининг бундай ахлоқи Америка жамоатчилиги томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Чунончи, Барак Обама ҳам ушбу масала юзасидан ўз фикрини билдириб, агар бу нарса рост бўлиб чиқадиган бўлса, ғазабланиши айтиб ўтган. Аммо шу билан бир қаторда, у Махфий хизмат фаолиятига юқори баҳо берган.


## Ўзбекистон Тожикистонга газ беришни қайта тиклади

**"Ўзбекнефтегаз" давлат компанияси матбуот хизмати тарқатган хабарга кўра, Ўзбекистон ва Тожикистон томонлари шу йил 11 апрелдаги имзолаган шартномага мувофиқ, Тожикистонга 16 апрель кунидан бошлаб газ етказиб беришни бошлаган.**

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон шу йилнинг биринчи апрелидан Тожикистонга етказиб бериладиган газ бўйича мажбуриятлари бажарилганлигини билдириб, газ узатишни тўхтатган эди.

## Юлдуз Усмонова Питерда концерт беради

Ўзбекистон примаданноси, халқ артисти Юлдуз Усмонова Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида концерт беради. Бу ҳақда хонанданинг расмий веб-сайти маълум қилди. Концерт шу йилнинг 2 июнь куни Россия собиқ пойтахтидаги "Гигант-холл" концерт залида бўлиб ўтади.



## Ўзбекистон ўз ҳавотирини билдирди

Ўзбекистон Шимолий Корея томонидан фазога учирилган ракета бора-сида ташвишда эканини билдирди. "Жаҳон" ахборот агентлиги хабарига кўра, Ўзбекистонда КХДР томонидан сунъий йўлдош учиритишга бўлган уриниш тўғрисидаги хабарни ташвиш билан қабул қилди. Бу БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2009 йил 1874 сонли резолюциясининг бузилиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Пхеньянни ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга амал қилишга, Корея ярим оролида кескин муҳитга олиб келувчи бир томонлама хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишга чақиради.

Эслатиб ўтамиз, 13 апрель пайшанбадан жумага ўтар кечаси Шимолий Кореянинг сунъий йўлдошига эга "Инха-3" ракетаси учирилди. Синови муваффақиятсизлик билан тугади - бир дақиқалик парвоздан кейин ракета бир неча қисмга парчаланиб, денгизга қулади.

## Жаҳон банкни корейлик-америкалик бошқаради


**Жаҳон банки (Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки)нинг директорлар кенгаши асли корейс бўлган америкалик Жим Ён Кимни ташкилот президенти лавозимига сайлади.**

Жим Ён Ким лавозимга расман 2012 йилнинг 1 июлидан, банкнинг амалдаги раҳбари Роберт Зелликнинг ваколатлари муддати тугаганидан кейин киришади. Жим Ён Кимдан ташқари, Нигерия молия вазири Нгози Оконджо-Ивеала ҳам ушбу лавозим учун номзодлардан бири эди.

Ким 1959 йили Жанубий Кореяда туғилган бўлиб, кейинчалик унинг ота-онаси АҚШга кўчиб ўтади. 1987 йили Ким ночорларга тиббий ёрдам тақдим этиш масалалари билан шуғулланувчи "Саломатлик бўйича ҳамкорлар" хайрия ташкилотининг ҳаммуассисларидан бирига айланади. Кейинчалик у Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директорининг маслаҳатчиси бўлади, шунингдек у ЖССТнинг ОИВга қарши кураш бўйича департаментини бошқаради. Шу пайтга қадар Жим Ён Ким Дортмут коллежининг президенти лавозимида ишлаб келаётган эди.

## «Бойларга тегманг»

**АҚШ парламенти юқори палатаси, яъни Сенат мамлакатдаги супербойлар учун даромад солиқларини оширишни кўзда тутувчи қонун лойиҳасини маъқуллашдан бош тортиди. CNN хабарига қараганда, "Баффет қондалари" деб номланган мазкур қонун лойиҳаси йиллик даромади бир миллион доллардан ошадиган фуқароларга даромад солиғи 30 фоизгача кўпайтирилишини кўзда тутади.**



Шу пайтга қадар ушбу миқдор 25 фоизни ташкил қиларди. Йилига 50-57 минг доллар топадиганлар учун ўртача 12 фоизлик солиқ ставкаси қўлланилади.

Маълумки, ўтган йили америкалик миллиардер Уоррен Баффет бойлар учун солиқ юқини оширишни таклиф қилган эди. Унинг айтишича, у 2010 йилда барча даромадларидан 17,4

фоиз миқдорида солиқ тўлаган, ваҳоланки, унинг компаниясида ишлайдиган ходими йиллик даромадидан 36 фоиз миқдорида давлат бюджетига ҳисса қўшган. Миллиардернинг ушбу таклифини Барак Обама маъмурияти қўллаб-қувватлаб, мазкур қонун лойиҳасини илгари сурган эди. Аммо АҚШ Сенатининг Молия масалалари қўмитаси ушбу

солиқдан келиб тушадиган маблағни ҳисоблаб чиқди. Унга кўра, "Баффет қондаси" бўйича солиқ давлат бюджетига сўнги 10 йилда "бор-йўғи" 47 миллиард доллар келтирар экан. Шунинг учун мазкур қонун мамлакат бюджетидagi тақчилликни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди, деб қайд этилади қўмита тушунтириш хатида.

## «Нексия» кам ишлаб чиқарилди

"GM Uzbekistan" Ўзбекистон - АҚШ қўшма корхонаси 2012 йилнинг биринчи чорагида автомобиль ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10,3 фоизга қисқартирган. Натижада 40,699 та энгил автомобиль ишлаб чиқарилган.

Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда, ҳисобот даврида "Матиз", 4363 дона "Дамас", 3597 та "Ласетти", 1700 та "Каптив", 572 та "Эпика", 6012 дона "Спарк" ва тўрт дона "Шевроле Малибу" ишлаб чиқарилган.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йили "GM Uzbekistan" 221 445та энгил автомобиль ишлаб чиқарилиб, бу борада кўрсаткич 2,1 фоизни ташкил қилган эди.





# Амир Темури бугунги куннинг ҳам қаҳрамони

## Нега айнан у миллат тимсолига айланди?

Амир Темури — нафақат буюк шахс, моҳир саркарда, йирик давлат арбоби, балки ўзбек давлатчилигини юксак нуқтага олиб чиққан, номи улуғ тимсол ҳамдир.

Мустақиллик йилларида миллий тикланиш, ўзликни англаш, тарихий таянч вазифасини бажариб берган Темури нафақат ўз даврида, балки бугун ҳам мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш ва миллий ғоясини шакллантиришда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бироқ, тан олиш керакки, кенг жамоатчилик, зиёлилар, айниқса, чет эллик тарихчилар ва бир гуруҳ "катта оға" олимлари Амир Темури тимсоли, унинг фаолиятига, бугунги кунда унга берилаётган баҳога шубҳа билан қарашади, ўз асарларида ҳамда мақолаларида буни очикчасига баён этишади.

Шу ўринда Амир Темурининг Ўзбекистон учун тимсол, маънавий куч сифатида тан олинишидан катта мақсад бор эди. Аввало, шўроларнинг етмиш йилдан ортиқ тузуми давомида одамларнинг қон-қонига сингиб кетган, тасаввурининг бир қисмига айланган Ленин, Сталин сингари коммунистик етакчилар ҳаёти ва ахлоқи билан сингирилган ғояга қарши тура оладиган муносиб шахс керак эди. Чунки ёш Ўзбекистон шўролар даврининг барча оқибатларидан имкон қадар тезроқ, қолаверса, уларнинг ўрнини миллий гурури ва тикланиши ўзида ифода этган ғоя - Амир Темури шахсини тиклаш орқали қутилиши мумкин эди. Мустақил давлат барпо этишнинг биринчи шартини ҳам емирилган, ўзини оқламаган, ёлғон ғояни янгилаш билан бевоқифа боғлиқдир.

Амир Темури коммунистик ғоя қаҳрамонларини тўлақонли янгилаш учун етарли даражада муносиб номзод эди. Биринчидан, Темури, ҳақиқатда, босқинчиларга қарши курашган, неча асрки Мовароуннаҳр халқини эзиб, асрлар давомида шаклланган цивилизацияни

барбод қилган мўғуллар зулмига барҳам берган. У мустақиллик учун кураш, янги давлат барпо этишда ўрнатқан.

Иккинчидан, Амир Темури Мағрибдан Машриққа - ўз даврида тараққиёт ва ривожланиш ҳудудларини қамраб олган буюк империяга асос солди. Бу салтанатнинг бир учини Ҳинд уммони суви ювса, бир томони Европа сарҳадларига етган эди. Бундай кенгликдаги империяни тузган шахс, табиийки, бугунги кунда тарихий ҳақиқатга айланиши лозим эди.

Учинчидан, Тўхтамышхонни енгилорқали Киев Русини (Россияни), Боязид Елдири аскарларини тиз чўктириб, Европани Усмонийлар тажовузидан сақлаб қолган Амир Темури тарихий аҳамиятини ушбу давлатлар учун бемалол кўрсата олиш мумкин эди. Амир Темурининг буюклигини французлардан тортиб, испанларга инкор эта олмасди. Йўқса, Боязид қўшини Европанинг кулини кўкка совириши турган гап эди.

Тўртинчидан, Амир Темурининг ибратли ҳаёт йўли, адолатни ҳамма нарсадан устун қўйиши, салтанатда ҳалоллик ва қонунга итоаткорликни ўрнатгани, ўз мамлакатада мислсиз бунёдкорлик, қурилиш ишларини олиб боргани, илм ва фан, адабиёт ва дин аҳлига ҳомийлик кўрсатгани ҳам уни миллат учун, ёш мамлакат учун тимсол сифатида кўрсатишга муносиб эди.



Бугун турли тарихшунослар, айниқса, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар олимлари Амир Темури тўғрисида турли куракда турмайдиган илмий мақолалар билан чиқишаётгани, айниқса, унинг тарихий аҳамияти ва Ўзбек халқи алоқасини шубҳа остига олишаётганини кўриш мумкин. Гап Амир Темури ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни ҳақида кетар экан, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Темури Ўзбекистон тарихининг ажралмас қисми, мустақиллик учун том маънодаги кураш тимсолидир.

Албатта, орадан йигирма йил ўтиб, Амир Темури тимсоли ўз олдида қўйилган вазифини удраладимиз, йўқми, бу борада атрофлича фикр юритиш мумкин. Шуниси аниқки, бугун Ўзбекистон (мустақиллик) ёшлари Темури ҳақида тўлиқ ва кенг тасаввурга, ундан гуруриланш туйғусига эга бўлишди. Бу аслида Темури ҳақиқатини тиклашнинг бош мақсади ҳам эди.

Лекин шундай бўлса-да, ўзбек зиёлилари, айниқса,

тарихчилари олдида Амир Темурининг портретини янада аниқлаштириш, унга ҳаққоний ва айни пайтда психологик баҳо бериш, уни кўр-кўрона шарафлаш, курак мақташ ўрнига нафақат саркарда, балки ота, ака, эр, суюкли ёр, аскар сифатидаги ҳаётга яқин образларини яратишни даврининг ўзи тақозо қилмоқда. Тўғри, Амир Темури аёвсиз жанглор олиб борган, исён кўтарганларни, буйсунмаганларни аяб ўтирмаган. Бу ўрта асрлардаги саркардалар, шоҳлар учун табиий ҳолдир. Лекин Темурининг Боязид ва унинг оиласига нисбатан бўлган муносабати юксак эътирофга лойиқдир. Айтмоқчимизки, Темури саркарда бўлган: ўлдирган, қирган. Бу тарих ҳақиқати. Қайси буюк саркарда шу ишни қилмаган?

Энг муҳими, ўзбек давлатчилиги тарихида Темури буюк мактаб, катта институт яратган. У шунинг учун ҳам Ўзбекистонда миллатнинг тимсоли бўлишга, миллий ғоянинг негизида туришга ҳақли.

## Гудбай, Эпика!

"GM Uzbekistan" Ўзбекистон - Америка кўшма корхонаси 2012 йилнинг тўртинчи чорагидан Chevrolet Epica бизнес-класс седанларини ишлаб чиқаришни тўхтатади. Бу ҳақда "РИА Новости" хабар берди. "Ўзавтосаноат" вакилининг сўзларига қараганда, бу қарор ушбу классда янги Chevrolet Malibu автомобилнинг ишлаб чиқарилаётгани муносабати билан қабул қилинган. Унинг айтишича, Ўзбекистон ички бозорида фақат битта бизнес-класс русумидаги автомобилни йиғишнинг ўзи етарли. "Chevrolet Epica" Ўзбекистонда 2007 йилдан бошлаб йиғилади. 2011 йилда уни йиғиш Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ўтказилган. Шу кунга қадар мамлакатда ушбу русумда 9,5 минг дона "Chevrolet Epica" ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг қарийб барчаси ички бозорда сотилган. Шу йилнинг феврида эса Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида "Chevrolet Malibu" русумидаги автомобилларни йиғиш йўлга қўйилди. Йил охиригача 5 минг атрофида Chevrolet Malibu тайёрланиши кўзда тутилаётир. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, "GM Uzbekistan" Ўзбекистон - Америка кўшма корхонаси йилига 250 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, ўтган йили 221 445 дона машина муомалага чиқарилган.



## Футболчиларимиз ўрнига Равшан Эрматов Лондонга боради

ФИФА рефериси Равшан Эрматов Лондон ўтказиладиган 2012 йилги Олимпиада ўйинларида хизмат қилади. Бу ҳақда Ўзбекистон футбол федерациясининг расмий сайти хабар қилади.

Ўзбекистон футбол федерациясига ФИФАдан келган расмий хатга кўра, ушбу ташкилотнинг Ҳакамлар кўмитаси Олимпиада ўйинларида хизмат қиладиган ҳакамлар рўйхатини тасдиқлаган

ва улар орасида Равшан Эрматов ҳам бор. Олимпиада ўйинларида Эрматовга Абдуҳамидулло Расулов ва Баҳодир Кўчқоров (Қирғизистон) ёрдам беради. ФИФА турли конфеде-

рациялардан жами 16 нафар бош ҳакам ва 32 нафар қанот ҳакамларини танлаб олган.

Эслатиб ўтамай, ЖАРда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Равшан Эрматов бешта учрашувда ҳакамлик қилиб, бу ўша мусобақанинг рекорд натижаси бўлган эди.





## Россия нажот маконими ёки муаммолар уясими?

**Яқинда интернет манбаларида тарқатилган хабарларга қараганда, Россиядан чет элга чиқарилаётган маблағ бўйича Ўзбекистон биринчи ўринда турар экан. Хусусан, халқаро пул жўнатмалари билан шуғулланадиган молия муассасаларининг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонга Россия Федерациясидан жўнатилган маблағлар миқдори 4,3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилар экан. Ундан кейинги ўринларни Швейцария, Тожикистон эгаллайди.**

Албатта, 4,3 миллиард АҚШ доллари Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотига нисбатан ҳисоблаганда анчагина катта маблағ бўлиб, у минглаб рўзгорларда қора қозоннинг қайнашига, одамлар ҳаётини енгиллаштиришда, айна пайтда давлатга валюта оқимини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон меҳнат кучи экспор-

тидан ўзига яраша фойда кўрмоқда.

Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам борки, ҳар бир юрт тақдири учун қайғурадиган, унга бефарқ бўлмаган кишини чуқур мушоҳада чорлайди...

Гап шундаки, Россия Федерациясидан меҳнат қилаётган ҳамюртларимизнинг бугунги аҳоли, улар дуч келаётган муаммо ва масалалар бир қатор муаммоларнинг

юзага келишига, оқибатда, келажак учун жиддийроқ чоралар кўриш ундайди.

Авалло, ҳамюртларимиз Россияда ишлаши учун ҳуқуқий асосларнинг етарли даражада ёки умуман йўқлиги боис уларнинг ижтимоий муҳофазаси савол остида қолмоқда. Айниқса, турли қурилиш объектларида ишлаётган ўзбекистонликлар бахтсиз ҳодисаларга жуда кўп дуч

келаётгани, айримлари нобуд бўлаётгани ёки бир умрга ногирон бўлиб қолаётгани ўта жиддий масалалардир. Биргина мисол, яқинда Москванинг "Качалова" бозорида юз берган ёнгин туфайли ўндан ортиқ киши ҳалок бўлгани, афсусланарлиси, уларнинг қарийб барчаси ҳамюртларимиз экани фикримизга яққол далил-

дир. Энг ёмони, бундай ҳолатлар боис ҳалок бўлаётган ҳар бир юртдошининг орқасида қанчалаб қора қўзлар борлигини унутмаслик керак.

Иккинчидан, Россияга ишлаш учун кетаётган ҳамюртларимизнинг катта қисми ёшлар бўлиб, уларнинг ҳаётини тажрибалари жуда нўноқ экани ҳам бугунги кундаги муаммолардан ҳисобланади. Негаки, ўша ёшлар ўртасида тиббий маданиятнинг етишмаслиги, ўз соғлиғига бефарқ муносабатда бўлиши натижасида совуқ ўлкадаги укаларимиз турли касалликлар билан хасталанишаётган.

Учинчидан, ҳарчанд хохламайлик, барибир гуруч курмаксиз бўлмайди, деганла-

ридек, Россияда ишлаётган ҳамюртларимиз орасида қинғир йўлдан юраётган, турли майда ўғрилик, талончилик ва ҳатто одам ўлдириш ҳолатлари учраб тургани, энг ёмони, бу масала рус оммавий ахборот воситаларида қизғин муҳокама қилинаётгани ҳам рус жамиятида иммигрантларга, айниқса, ўзбекларга нисбатан қарашларнинг, фикрларнинг бузилишига олиб келаётган. Бу, албатта, маънавий зарардир. Чунки ўзбеклар ҳатто ўрисларга ҳам мулойимлик, меҳмондўстлик, очиқлик, меҳнатсеварлик тимсоли бўлиб келган. Айрим ёшларнинг жинсий ҳатти-ҳаракатлари эса мана шу қарашлар ўрнида мутлақо салбий фикрларнинг шаклланишига туртки берапти.

Оқорида санаб ўтилган муаммоларнинг барчаси нафақат бугунги куннинг, балки келажакнинг ҳам муаммоларидир. Шу боис ёшларни имкон қадар иш билан таъминлаш, Россияга кетаётган ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига ўша давлат қонунчилиги ҳақида батафсил тушунтириш бериш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини ҳал қилиш айна заруратдир.

Умуман, бу муаммолар Россияда олиб келинаётган ўша миллиард доллардан ҳам кўра муҳимроқдир, аслида.

## Қайси диндагилар кўпроқ иммиграцияга мойил?

**Иммиграциянинг диний омиллари бағишланган таҳлиллар шуни кўрсатадики, одамларнинг бошқа мамлакатларда қўним топишида диннинг аҳамияти ниҳоятда катта экан. Дин ҳар бир давлатнинг иммиграция сиёсатида жуда муҳим бўлиб, чет элликлар ўз эътиқоди билан ташриф буюради.**

Бу ушбу мамлакатларда миллий ва диний ранг-барангликни таъминлаши билан бир қаторда, давлатларнинг бу борадаги сиёсатини ўзгартиришга ҳам туртки бермоқда. "Pew" тадқиқот маркази мутахассиси Филип Коннорнинг қайд этишича, иммиграция жамиятни ўзгартириб юбормоқда. У диний маконга ҳам бутунлай бошқа қиёфага киритмоқда. Негаки, бир пайтлар АҚШ аҳолисининг катта қисми фақат протестантлардан иборат бўлган бўлса, бугун улар мамлакат аҳолисининг бор-йўғи ярмини ташкил этади. Бу, албатта, АҚШ жамиятидаги қарашлар, фикрлар ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади.

АҚШ "Pew" тадқиқот маркази яқинда ўтказган ўрганишларга кўра, христианлар ва буддистлар Америкадаги иммигрантларнинг энг кўпини ташкил қилар экан.

Дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил

қиладиган христианлар АҚШ аҳолисининг сал кам ярмини ташкил қилади. Христиан мигрантлари оқими асосан Лотин Америкасидандир. Уларнинг сони бугунги кунда 43 миллиони ташкил қилади.

Ўз навбатида, Россия иммигрантлар энг кўп ташриф буюрадиган иккинчи мамлакат ҳисобланади. У ерда 12 миллион иммигрант истиқомат қилади. Ундан кейинги ўринларни Германия 10 миллион, Саудия Арабистони ва Канада 7 миллион иммигрантлар билан эгаллаб турибди.

Умуман, тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, христианлар мусулмонларга нисбатан иммиграцияга анча мойил халқ ҳисобланади. The Wall Street Journal газетасининг ёзишича, Европа Иттифоқида яшаётган иммигрантларнинг 53 фоизи, яъни 26 миллион нафари айнан христианлардир. Мусулмонларнинг сони 13

миллион атрофида бўлиб, улар иммигрантларнинг 27 фоизини ташкил этади.

Умуман, дунё бўйича христианлардан кейин иммиграция бўйича мусулмонлар иккинчи ўринда туради. Чунинчи, дунё иммигрантларининг 27 фоизи ёки 60 миллион нафари ушбу дин вакиллари. Уларнинг аксарияти Ҳиндистон, Покистон, Индонезия ва Филиппиндан бўлиб, асосан, Саудия Арабистонида ишлашади.

Оммавий равишда иммигрантларни қабул қилаётган мамлакатлар Форс қўлтиғидаги давлатлар бўлиб, "Pew" тадқиқот маркази ўрганишларига қараганда, бу ерда 2 миллион нафардан зиёд христианлар, шунингдек, 1,4 миллион Ҳинду ва ярим миллион буддист иммигрантлар ишлаб, яшашади.

Яна бир қизиқ жиҳати шундаки, яҳудийлар гарчи дунё аҳолисининг бир фоиздан кам қисмини ташкил қилса-да, жаҳондаги жами иммигрантларнинг 2 фоизи яҳудийлардан иборатдир. Исроилда туғилган ҳар тўрт яҳудийнинг бири бошқа жойда ишлаш учун иммигрант бўлиб чиқиб кетган.

**Маълумки, Франция жанубидаги Тулуза шаҳрида Муҳаммад Мера томонидан террорчилик актлари содир этилган. Жами етти кишининг, жумладан, уч нафар яҳудий боласи ва уларнинг ўқитувчиси ўлимига сабаб бўлган бу ҳодиса француз ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан изчил тергов қилинмоқда.**

## Франциядаги террорчи ҳужумларда Ўзбекистон исломий ҳаракатининг қўли бўлиши мумкин

Дастлабки маълумотларга қараганда, Муҳаммад Мера ушбу ҳатти-ҳаракатларни содир этиш давомида ёлғиз ҳаракат қилмаган, балки Покистондаги толибонлар ва Ўзбекистон исломий ҳаракати томонидан махсус тайёргарликдан ўтган. Хусусан, Le Monde газетасининг ёзишича, Меранинг қотил сифатида шаклланишида ушбу ташкилотлар муҳим роль эгаллаган. У 2010 йилда Афғонистон ҳукумати томонидан ҳибсга олиниб, Францияга топширилган. Ушбу воқеадан сўнг яна бир марта Покистонга ташриф буюришга улгурган.

Сўнгги маълумотларга қараганда, АҚШ ҳарбий разведкаси Муҳаммад Мера-нинг террорчи гуруҳларга

алоқадорлиги бўйича етарлича маълумотга эга бўлган. Бироқ, Франция полицияси амалдаги қонунларда шахс дахлсизлиги бўйича кўзда тутилган нормалар туфайли уни мунтазам кузатув остига ололмаган. Шунинг учун бўлса керак, бугунги кунда Францияда террорчиликка қарши қатъий қонунлар қабул қилиш бўйича бахс-мунозаралар борапти. Хусусан, амалдаги Президент Николя Саркози фуқароларнинг турли экстремистик сайтларга кириши ва чет элдаги ҳарбий полигонларда тайёргарликда қатнашишини жиноят сифатида тасниф қилувчи қонунни ишлаб чиқишга ваъда бермоқда.



## АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси меҳрибонлик уйида Ер кунини нишонлади

23 апрель куни элчи Крол Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган 23-меҳрибонлик уйига ташриф буюриб, мевали дарахтлар экиш, болалар чизган расмларни кўриш орқали Ер Кунини, яъни замонавий экология ҳаракатининг бошланишини нишонлади. Мазкур тадбир "Эко-мактаб" нодавлат нотижорат гуруҳи ҳамда Тошкентдаги АҚШ Элчихонаси кўмагида ташкил қилинди.



Болалар, талабгорлар ҳамда боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш бўйича мутахассислар элликка яқин хилма-хил мевали кўчатлар экишди, гулзор

гуллар келгусида гўзаллик тимсоли сифатида яхшилик ва муҳаббатга айланади, чунки бизни ўраб турган ушбу замин аслида меҳр-муҳаббат ва гўзаллик

муҳофазаси агентлигини ташкил қилишига ҳамда 1970 йили "Тоза ҳаво" акти, 1972 йили эса "Тоза сув" акти қабул қилинишига сабаб бўлди. "Кўшма Штатлар анча йиллардан бери Ўзбекистоннинг атроф муҳит муҳофазасига қаратилган дастур ва ташаббусларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини кўллаб-қувватлаб келди, улар Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига қаратилгандир", деди элчи Крол. Шунингдек, у АҚШ кичик грантлар дастури орқали Ўзбекистонда кўплаб атроф муҳитга алоқадор лойиҳаларни кўллаб-қувватлаганлигини таъкидлади. "Ушбу грант туфайли биз бу ерга, тахминан, элликка мевали дарахт ниҳоли экиш учун келдик, улар келгуси йилларда бўй чўзиб, чиройли дарахт бўлади. Биз бошқалар қатори болаларнинг атроф муҳит муҳофазаси борасида қилаётган ишларига гувоҳ бўлиб турибмиз ва бу ҳол келгуси авлодлар учун атроф муҳит муҳофазаси йўлида маънавий мажбуриятимиз борлигини эслатиб турибди", деди элчи Крол. У Элчихонанинг "Фейсбук"даги саҳифасида ўтказилган Ер Кунига бағишланган иншолар танлови ғолибига китоб ва фахрий ёрлик топширди.



барпо қилишди. Тадбир давомида боғ ва гулзорларни парваришlash, кушлар учун донхўрақлар ва яшил нақшлар тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари ўтилди, шунингдек, очиқ ҳавода санъат асарлари кўргазмаси намойиш этилди, келгусида боғни яхшилаб парваришlashи учун ННТ меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига тегишли асбоб-ускуналар совға қилди.

"Болалар ўзларини жуда бахтиёр сезишди, бир олам қувончга тўлишди. Бугун биз эккан кўчатлар ва

демакдир", деди меҳрибонлик уйи директори Светлана Рўзимухамедова.

Кўшма Штатларда Ер кунини илк марта 1970 йили бўлиб ўтди ва замонавий экология ҳаракатини бошлаб берди. 20 миллионга яқин америкалик тобора ошиб бораётган муҳит ифлосланишини қоралаш ва соғлом, барқарор экология талаб қилиб кўчаларга, хиёбонларга ва аудиторияларга йиғилди. Уша давр мобайнида экология муаммоларидан бохабарликнинг ўсиб бориши АҚШ ҳукумати 1970 йили Атроф муҳит

Америка Кўшма Штатларидаги биринчи ўзбекча газета - "Ватандош" ташаббуси билан соҳир овоз соҳиби, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ҳамда моҳир кулгу устаси Шукрулло Исроилов Америкада биринчи марта "Хуш келдингиз" деб номланган концерт дастурини тақдим этади.

## Озодбек Назарбеков «Ватандош» газетаси меҳмони

Озодбекнинг муҳаббат, оқибат, меҳр, ота-она, дўст, садоқат сингари ўлмас мавзулардаги кўшиқлари халқимизнинг қалбидан чуқур жой олди. Бугун унинг оҳанглари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда катта ҳаёжон, туғён билан тингланмоқда, ҳиргойи қилинмоқда.

"Ватандош" кўплаб ўқувчиларимизнинг таклиф ва мурожаатлари асосида севимли хонандамизнинг АҚШда концертини уюштиришни ният қилди. "Хуш келдингиз", деб номланган мазкур концерт уч кун давомида Флориданын "Самарқанд" ресторанида, Бруклиндаги "Millinuin Theatre" да ҳамда Квинсдаги (Нью-Йорк) "Da Mikielli Palace" концерт



залларида 26, 27, 29 апрель кунлари бўлиб ўтади.

Концерт дастурида хонанданинг энг янги кўшиқлари ҳамда халқимиз кўнгилдан жой олган севимли тароналари ўрин олган.

Концертга АҚШ ва Канадада истиқомат қилаётган барча ҳамюртларимизни, Озодбек Назарбеков ижодига қизиққан ҳамма мухлисларни таклиф этамиз.

## 45 мингдан ортиқ киши амнистияга тушди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Светлана Ортиқованин "Озодлик" радиосига берган интервьюсига кўра Сенатнинг 2011 йил декабрдаги амнистия тўғрисидаги қарори асосида 45 минг 383 киши амнистияга тушган.

Амнистияга тушганларнинг 1958 нафарини озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётганларни ташкил қилади. Амнистия тўғрисидаги

қарорга биноан, аёлларга, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларга, 60 ёшдан ошган эркакларга ҳам амнистия қўлланилди. Жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи

республика ҳудудидан ташқарида бўлган чет давлат фуқароларига ҳам амнистия тўғрисидаги қарор қўлланилган. Эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этган, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қарорнинг иккинчи банди татбиқ этилган.

Жазодан озод қилинган ёки жиноий жавобгарликдан озод қилинган ёки жазосини ўташ жойларидан қайтган шахсларни тиббий, моддий, ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам бериш, уларни ишга жойлаштириш, касал бўлса, касалхонага ётқиши, тиббий кўриқдан ўтказиш, қўлида паспорти бўлмаса паспорт бериш, иши бўлмаса, иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилган.



# Инқироз-2. Бу гал талабалар сабабчими?

2008 йилда бошланиб, ҳали-ҳануз оқибатлари дунё ҳамжамиятига катта ташвиш туғдираётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг юзага келишига АҚШ ипотека бозорида пайдо бўлган "кўпик"лар сабаб бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Зотан, шунинг учун ҳам дунё мамлакатларида истиқболда бундай инқирозларнинг олдини олиш мақсадида турли чоралар кўрилиб, молия бозорлари тартибга солинмоқда.

Гарчи ипотека бозори бугунги кунда тўлиқ тикланган бўлмаса-да, лекин молия бозорининг бир қатор тармоқлари борки, ҳозир уларда боқиманда қарзларнинг кўпайиб бораётгани келажакда жуда катта муаммоларни келтириб чиқариши айтилмоқда. Шулардан бири талабалар учун бериладиган кредитлардир. Айрим экспертларнинг фикрича, таълим кредитлари 2008-2009 йиллардагидан кўра ҳам кучлироқ салбий таъсирга эга бўлиши мумкин.

Хўш, аслида ҳам шундайми?

Сир эмаски, бугун кўпчилик муваффақиятларга эришишда олий таълимнинг аҳамиятини ниҳоятда юксак деб билади. Хусусан, Меҳнат статистикаси бюроси маълумотларига қараганда, АҚШда 68,1 фоиз ўрта таълим битирувчилари олий таълимга интилар экан. Шунинг учун ҳам АҚШда олий таълим олиш учун талабалар кредити энг оммабоп молия-

вий хизмат турларидан ҳисобланади.

"Форбс" журнали маълумотларига кўра, 2010 йилда талабалар учун кредитлар миқдори 25,250 долларга кўпайди. Натижада ўша йили биринчи марта АҚШда талабалар учун ажратилган йиллик кредитлар миқдори 100 миллиард доллардан ошиб кетди. Пировардида, талабалар учун йўналтирилган кредитлар миқдори 1 триллионлик маррани босиб ўтди.

Сўнги эллик ичида АҚШ олий таълим тизимида инфляция йилига 6-9 фоизни ташкил қилиб, бу одатдаги инфляция кўрсаткичларидан икки баробарга кўплиги экспертларда шубҳаларнинг кўпайишига олиб келди.

Олий таълим олишнинг борган сари қимматлашиб бораётгани, қолаверса, коллеж ва университет битирувчиларига меҳнат бозорида талабнинг турғун бўлиб қолаётгани талабаларнинг кредитларни қайтариш имкониятини тушириб юбормоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, амалдаги қонунчиликда талабаларга ажратилган кредитлар банкротлик туфайли ҳисобдан чиқарилиши, яъни воз кечиш кўзда тутилмайди. Гарчи фуқаронинг молиявий аҳволи қай даражада ёмон бўлмасин, у ўқиш учун олган кредитларини тўлашда давом этиши керак.

Айрим битирувчиларда таълим кредитлари миқдори 100 минг доллардан ошиб, бу бўйича ойма-ой тўлов амалга оширилганда, ипотека кредитлари сингари 20 йил давомида ҳам тўлиқ қопланмаслиги мумкин.

Иқтисодчилар фикрича, мазкур қарзнинг кенгайиши нафақат тўхтатиб қолинмоқда, балки у йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Яқинда ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатдики, 50 фоиз банкротлик масалалари бўйича адвокатлар сўнги пайтларда ўз мижозларида таълим кредитлари билан боғлиқ муаммолар ўсаётганини қайд этишган.



## Бруклинда келинлар кўзғолон кўтаришди

Наврўз айёми шарқона янги йил деб очилди, серҳосиллик ва кут-барака гоёсини ўзида мужассам этадиган, миллий табиатимиз ва қадриятларимиздан ажратиб бўлмайдиган, сиёсатдан холи, энг қадимий, энг сеvimли байрамдир.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, ҳар қайси инсон ўз оила аъзоларини, қадрдонларини бағрига босиб, таниш-билишларини кутлаб, уларга соғлиқ-омонлик, тинчлик-осойишталик тилайди, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди, дейишадди.

Наврўз нафақат янгилиниш ва яшариш айёми, балки халқларни, дилларни бирлаштирадиган, бир дастурхонга йиғадиган эзгу айёмдир.

Нью-Йорк Бруклинда бўлиб ўтган Наврўз тадбири ҳақида ҳам мана шу гапларни айтиш мумкин. Зеро, мазкур айёмда Марказий Осиё халқлари вакиллари иштирок этишиб, улар дўстона суҳбат қуришди, ўз миллий таомларидан тановул қилишиб, шарқона мусиқага рақсга тушишди. Унда "Муруват" маркази раҳбари Тамара Назарова сўзга чиқиб, байрам билан кутлади. Наврўзнинг Марказий Осиё халқлари ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикр юритди. Айниқса, "Томоша" театри жамоаси томонидан сеvimли "Келинлар кўзғолони" намойиш этилгани байрам иштирокчиларида катта қувонч бағишлади.

400 нафардан ортиқ меҳмон қатнашган мазкур тадбирда Нью-Йорк, Нью-Жерсидан меҳмонлар қатнашди.

## Бахтиёр Жумаев айбларини тан олмади

**АҚШ федераль судида ўзбекистонлик Бахтиёр Жумаев терроризмга алоқадорлик бўйича унга қўйилаётган айбларни тан олмади. Филадельфияда муддати ўтиб кетган виза билан истиқомат қилаётган Бахтиёр Жумаев Чикаго аэропортида ҳибсга олинган Жамшид Мухторов билан ҳамкорлик қилганлиги бўйича далиллар асосида қўлга олинган эди.**

Эслатиб ўтамиз, Жамшид Мухторов тегишли хорижий террорчиларга моддий ёрдам кўрсатиш ва бундай кўмакни кўрсатишга ҳаракат қилганликда айбланмоқда.

Суд эшитувида Жумаев ўз адвокати орқали расмий баёнот берган. Адвокат, ўз навбатида, айбланувчининг эҳтиёт чораси сифатида ҳибсга олинганлиги бўйича даъво киритмаган. Суд эшитуви давомида Жумаев ҳеч қандай фикр билдирмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Бахтиёр Жумаев қароргоҳи Покистонда жойлашган ИсломиЙ Жиход Иттифоқи экстремистик ташкилотига моддий ёрдам берганликда айбланаяпти. Яъни у мазкур террорчи гуруҳ сафида жангари бўлишга ҳозирланган ҳамда "у террорчилар билан бирга курашиш ҳамда зарур бўлса, ўз ҳаётини қурбон қилиш" мақсадида йўлга отланган Жамшид Мухторов билан яқиндан та-

ниш бўлган ва у билан ҳамфикр бўлган. У Жамшид Мухторовга берган 300 доллари АҚШ ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларида шубҳа уйғотган ва шу асосда у ҳибсга олинган эди. Айни пайтда Жумаев дўстига шунчаки қарзини қайтарганини маълум қилган эди.

Жумаев ва Мухторов ишларининг мураккаблиги боис суд жараёни оилаб давом этиши мумкинлигини айтишмоқда. Ҳозирда АҚШ федерал терговчилари уларнинг ўртасида олиб борилган суҳбатларни чуқур ўрганиб бормоқда, дейилади "Денверпост" газетаси сайтида.

Шуни алоҳида қайд этиш керак, ИсломиЙ Жиход Иттифоқи



Ўзбекистондаги бир қатор террористик актлар учун айбланган, шунингдек, Афғонистондаги коалиция кучларига қарши уюштирилган кўплаб ҳужумлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олган. Хусусан, ушбу ташкилот аъзолари Тошкентдаги АҚШ ва Исроил элчихоналари, шунингдек, прокуратура биносида худҳушлик портлашларини амалга оширганлиги қайд этилади.



# АҚШда Наврўз байрами ҳануз нишонланмоқда

**АҚШда ҳам Наврўз байрами анча йиллардан бери юртдошларимизни руҳан бирлаштириш, ватан ҳиссини уларга улашишдек эзгу мақсад йўлида хизмат қилиб келмоқда. Нью-Йорк шаҳрининг Манхэттен мавзесида жойлашган АСА коллежида ҳам Наврўз ўзгача тантана ила нишонланди. Ушбу тадбирда олтишдан зиёд меҳмон иштирок этди.**

Меҳмонларнинг катта қисмини Ўрта Осиёнинг турли мамлакатларидан келиб ушбу коллежда таҳсил олаётган ўқувчилар ва уларнинг дўстлари ҳамда оила аъзолари ташкил этди. Уларнинг асосий қисми ўзбекистонлик юртдошларимиздан иборат бўлса-да, тадбирда бизнинг урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ўйинларимиз ва айнан бошқа халқларда учрамайдиган бир-бирдан қизиқ байрам маросимларимизнинг шахсан гувоҳи бўлиш учун ташриф буюрган бошқа халқ вакиллари ҳам кам эмас эди.

Тадбирда меҳмонлар учун махсус тайёрланган сомса, палов каби бир қатор ўзбек миллий таомлари, турли туман ширинликлар ва сумалак тортиқ этилди. Сумалак АҚШдаги ўзбеклар жамияти раҳбари Санобар опа Бобохонова томонидан айнан ушбу тадбир учун тайёрланди.

Тадбир давомида меҳмонларга янада хуш кайфият улашиш мақсадида турли хил миллий ўйинлар ижро этилди. Айниқса, "Ким олади-ё" ўйинини АСА коллежида таҳсил олаётган тенгдошларимиз, бир қатор ўзбек йигитлари усталик билан

ижро этиб беришди. Шу билан биргаликда, юқори мактабнинг 12-синф битирувчиси Меҳрибон Саидмуродова "Самарқандча келин салом" маросимида келин ролини маҳорат билан кўрсатиб берди. Иқтидорли раққоса Нилуфар Иргашева эса ўзининг бетакрор рақслари билан барчани мафтун этди.

Меҳмонлар ўйинларда фаол қатнашиб, турли-туман совғаларга ҳам эга бўлишди. Ана шундай гўзал тадбирда бошчилик қилган ташаббускор оқила опамиз, АСА коллежининг махсус тадбирлар бўлими раҳбари Фотима опа Муқимовага катта миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз. Уларнинг айтишларича, "Ушбу кунги тадбирдан кўзланган мақсад ҳам айнан юртдошларимизни бирлаштириш, буюк маданиятимизга мансуб бўлган юксак фазилатлар ила оз бўлса-да маънавий озуқа улашиш ҳамда азалдан мерос бўлиб келаётган урф-одат, анъаналаримизга содиқ қолишдир". Тадбир охирида айрим меҳмонларимиздан байрам ҳақидаги

таассуротлари борасида ўз фикрларини улашишларини сўрадик.

**Маҳбуба Эргашева, Хунтер коллежи ўқувчиси:** - АСА коллежида бўлиб ўтган Навруз бай-



рами жуда яхши ҳамда мароқли бўлди. Мен бу тадбирдан жуда кўп таассуротларга эга бўлиб қайтдим. Айниқса, раққоса Нилуфар Эргашеванинг гўзал ва бетакрор рақслари байрам кўркига кўрк қўшди. Қолаверса, байрамда бўлиб ўтган турли-туман ва қизиқарли ўйинлар томошабинлар фаоллигини янада оширди. Америка коллеж ва институтларида ҳам Нилуфар Салимовага ўхшаган фаол тенгдошларимиз, Фотима опа Муқимова каби йетакчи раҳбарларимиз ёрдамида мана шунақа тадбирлар ўтказиб турилишини жудаям хоҳлардим. Бунақанги тадбирлар орқали биз ўзлимизни, маданиятимизни, ўзбек байрамларини ва урф-одатларини янақа мустаҳкамлаб, чет элликларга намоян қилиб, ўзга элларда яшаётган ёшларимизга жуда катта ибрат



бўлишини истардим!

**Ситора Ашрафова, АСА коллежининг 2010 йил битирувчиси, ҳозирда CUNY талабаси:** - "Гарчи АСА коллежини битирган бўлсам-да, Наврўзни нишонлаётганларини эшитиб айнан шу кун учун алоҳида вақт ажратдим. Ўзга юртларда бўла туриб ҳам ўзлимизга содиқ бўлиб келаётган халқимизга қойил қолмай иложимиз йўқ, албатта. Ана шундай миллийлик руҳида чархланган байрамлар кўпроқ бўлаверса, нафақат меҳмонлар, балки бошқа юртларда, бошқа тилда таҳсил олаётган ёшларимизнинг ўз тилларига,

**чиси:** - "Бугунги байрамга мен ўзим билан биргаликда ўз дўстларимни, синфдошларимни ҳам олиб келган эдим. Жудажуда хурсанд бўлиб қайтишди. Шахсан ўзимга ҳам байрам жуда ҳам ёқди. Энг асосийси, ҳаммамиз ўзимизни худди ўз юртимизда байрам нишонлаётгандек ҳис қилдик. Ҳалигача байрамда тортиқ қилинган сумалакнинг таъми оғзимиздан, гўзал рақслар, ўйинлар ва ҳатто келинсалом каби ижролар кўз ўнгимиздан кетиб улгурмади". Яна бир бор барчангизни Наврўзи айём билан чин юракдан табриклаймиз. Баҳор ҳаммангизга энг аввало, тинчлик, беғуборлик, табасум, кут-барака, ва албат-



маданиятларига бўлган дунёқарашларлари ҳам ўзгаради, деган фикрданман. АСА коллежга ўз миннатдорчилигимни билдириб қоламан".

**Нигина Салимова, Абрахам Линкольн мактаби 12-синф битирув-**

та оилавий бахт келтирсин. Ҳар онингиз байрам кайфиятига тўлсин. Зеро, бизнинг халққа Наврўз каби байрамлар ярашади.

**Нилуфар Салимова, АСА коллежининг 2011 йил битирувчиси.**



Барак Обама АҚШ президенти этиб сайлангач, ўзининг либерал ислохотларидан бири сифатида иммиграция сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқишни ваъда қилганди. Бироқ АҚШ Конгресси куйи палатасида республикачилар кўпчилик ўринга эга бўлгач, бундай ислохотларни амалга ошириш нияти пучга чикди.

Бироқ, Обама маъмурияти яна бир уриниб кўрмоқчи. Бу гал Обама маъмурияти "287 (g)" дастурини ёпишни режалаштирмоқда. Бу дастур штатлар ва шаҳарлар ҳокимиятига федераль ҳукуматга тааллуқли бир қатор вазибаларни, яъни ноқонуний мигрантларни аниқлаш ва қўлга олиш каби юмушларни амалга ошириш ҳуқуқини беради.

## «Ё Америка, ё депортация»



ёхуд ҳалол ва тўғри ишлаётган ноқонуний иммигрант тақдири нима бўлади?

Гап шундаки, аксарият ноқонуний иммигрантлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчилар Обаманинг президент этиб сайланишидан кўп нарсага умид қилишаётган эди. Аввало, улар бу "ҳужжатсиз шахслар"га ўз ҳуқуқий мақомини қонунийлаштириш учун йўл очади, деб ният қилишаётган эди. Аммо мазкур умид рўёбга чиқмади, балки вазиет бутунлай ёмонлашди. Чунки Обама президентлиги даврида ноқонуний иммигрантларни депортация қилиш анча жадаллашди. Хусусан, 2011 йилда уларнинг сони 400 минг нафардан ошгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Иммиграция ислохотлари бир жойда қотиб қолавергач, Обама маъмурияти ноқонуний иммигрантларни мамлакатдан чиқариб юборишда ўз тартибларини ўзгартирадиган бўлди. Шундай қилиб, АҚШда ноқонуний иммигрантлар жамият учун хавфли бўлса, яъни жиноятчилик, безорилик билан шуғуллансагина мамлакатдан депортация қилиш йўлидан бормоқчи. Айни пайтда иммиграция хизмати ходимлари депортация қилишдан аввал шахснинг хулқи, неча йил Америкада яшагани, фарзандлари

бор-йўқлигига ҳам катта эътибор қаратишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, "287 (g)" дастури АҚШда шу даражада кенг тарқалганки, у 60 минг нафардан ортиқ маҳаллий иммиграция агентларини қамраб олган. Улар Федераль иммиграция-божхона хизмати билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келишаётган эди. Чунончи, маҳаллий агентликлар шубҳаланган барча иммигрантларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, улар орасидан ноқонуний иммигрантларни топиш ва натижада, депортацияга ҳужжатларини расмийлаштириш билан шуғулланишарди.

Бугун Америка жамиятида турли жиноятларни содир этганлиги учун шубҳа остига олиниб, депортация қилинаётганини кўпчилик, айниқса, эртаю кеч тиним билмай ишлаётган ва қонунга итоаткор ноқонуний иммигрантлар, умуман, мамлакат учун яхши иш эканлигини қайд этишмоқда. Айни пайтда бир қатор иммиграция соҳасида тадқиқот олиб борадиган экспертлар "287 (g)" дастури фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтиради, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича,

дастур гарчи ноқонуний бўлса-да, ҳалол ишлаётган, Америка жамиятига фойда келтираётган иммигрантлар орасида кўрқувнинг ортишига, пировардида, уларнинг панада, яширин иш олиб бо-



ришига турки бермоқда. Оқибатда, жиноий тўдалар ёки қинғир ишга қўл ураётганларни кўриб туришса-да, ўзи ва яқинлари тақдиридан ҳавотир олиб, маҳаллий полиция билан ҳамкорликка жазм эта олишмаяпти.

Аммо "287 (g)" дастури агентларига кўра, улар бошқа иммиграция хизмати вакиллари каби турли рейдларни амалга оширмайди, балки жиноят содир этгани учун шубҳа остига олиниб, ҳибсга олинган шахсларнинг иммиграция мақомини аниқлаштиради, холос.

Аммо шундай бўлса-да, АҚШ ҳуқуқ-тартибот органларида "287 (g)" дастурини танқид қилувчилар анчагина топилади. Хусусан, Миллий хавфсизлик вазирилик бош инспекторининг сўзларига қараганда, маҳаллий агентлар, яъни "287 (g)" дастури бўйича иш олиб борадиган ходимлар етарли касб тайёргарлигига эга эмас. Негаки, кўп ҳолатларда улар

ноқонуний иммигрантларни этник жиҳатига қараб аниқлашади. Масалан, испан тилида сўзлашувчи жамоалар ҳар доим шубҳа остида бўлишади.

Юқорида қайд этилганидек, Обама маъмурияти "287 (g)" дастурини ёпиш ниятида. Аммо бу жамиятда иммиграция ислохотлари бўйича қизгин музокараларга сабаб бўлаётир. Бунга барча - либераллардан тортиб, консерваторларгача, прагматик бизнесменлар ҳам ўз нуқтаи назарларини билдиришмоқда.

Ҳуқуқшунослар, ўз навбатида, иммиграция сиёсатида инсонпарварлик ғоялари устун бўлиши лозимлигини қайд этишаётир. Уларнинг фикрича, мамлакат иқтисодиётига кўшаётган ҳиссаси, қолаверса, жамиятдаги ахлоқидан келиб чиқиб, ноқонуний иммигрантларга ўз ҳуқуқий мақомларини қонунийлаштириш имкони яратилиши керак. Ҳуқуқшунослар ноқонуний иммигрантлар ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим, деб ҳисоблашади. Чунки ҳайдовчилик гувоҳномаси, қолаверса, мажбурий суғурта АҚШ иқтисодиёти учун айна муддао бўлиши билан бир қаторда, иммигрантларнинг жамиятга интеграциялашувида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга ноқонуний иммигрантлар банкларда ўз ҳисоб рақамларини очиш, шунингдек, ўз бизнесини йўлга қўйиш учун кредит олиш имконига эга бўлиши керак. Чунки шундоқ ҳам инқироздан кейин азият чекаётган АҚШ иқтисодиёти учун бу сув ва ҳаводек зарурдир.

Айни чоғда масалага анча амалий нуқтаи назардан қарайдиганлар, яъни

прагматиклар фикрича, Америкадаги бир қатор саноат тармоқлари ривожини иммигрантлар фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, "Форбс" журналининг ёзишича, агар мамлакатда ноқонуний иммигрантларни депортация қилиш бўйича мана шундай қаттиқ сиёсат қўлланилар экан, айрим тармоқлар, жумладан, қишлоқ хўжалиги мутлақо иш кучисиз қолиб кетиши мумкин. Энг ёмони, гарчи бундай тармоқларда етарлича меҳнат шароитлари яратилган эса-да, аксарият америкаликлар у ерларда ишлашни ўзига эп кўришмайди. Шунинг учун иқтисодчилар иммигрантлар АҚШ иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлиб қолишини уқтиришмоқда.

Яна бир масала. Аксарият таҳлилчилар АҚШда иммиграция иқтидорли ёшлар учун жуда ҳам юмшоқ ва содда бўлиши керак, деган фикрда. Истеъдодли ёшларга олий ўқув юртини тамомлаганидан сўнг АҚШда қолиш учун имконият яратиб берилиши керак. Чунки Америкада турли кашфиётларни, бизнес ғояларни илгари сурадиган ва ҳаётга татбиқ қиладиганлар орасида иммигрантлар кўпчиликни ташкил қилади. Чунончи, АҚШдаги энг муваффақиятли 500 та компанияларнинг қирқ фоизи айнан иммигрантлар ёки уларнинг оила аъзолари томонидан ташкил этилган. Уларнинг даромади 4 триллион АҚШ долларидан ошиб, 10 миллион нафардан зиёд кишини иш билан банд қилган.

Хулоса қилиб айтганда, АҚШда ноқонуний бўлса-да, меҳнат қилаётганлар, аввало, ҳалол ва тўғри йўлдан юришса, бас, депортация қилиниш эҳтимоли камайиб бораверади.





Дастлабки кунлардаги келди-кетдилар камайгач, опа-сингиллар зерика бошладилар. Абдусамид билан Абдулхамид соғинган ошналари билан чойхоналардаги ўтиришларини бошлаб юборишгач, улар аввалига ажабланишди. Сўнг бу ерларнинг одатича "эрхонин биргаликда судралиб юрмасликларини" билиб, афсус чодирга уранганча бунга ҳам кўникишди.



## «Ўткан кунлар»нинг аччиқ сабоғи

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тохир Маликнинг "Шайтанат" романидан бир лавҳа

Улар учун бу хонадонда бирдан-бир юпанч - Зайнаб эди. Эрлари ошхўрликларга кетган дамларда улар Зайнаб билан шаҳар сайлига чиқдилар. Элчинни йўқладилар.

Бир куни чой ичишиб ўтиришганда Муштарий:

- Зайнабхоним, сиз биза кутубхонингизи кўрсатмай-сиз? - деб қолди.

Зайнаб онаси билан кўз уриштириб олиб, жавобга тараддуланди. Чунки кийим-кечагу безакларда камкусти бўлмаган бу жувоннинг кутубхонаси йўқ эди. Тўғри, китоб ўқирди, баъзан дугоналари мақтаган китобни уч-тўрт кунга сўраб оларди, баъзида эса ўзи ҳам харид қиларди. Уйдаги китобни биров олгани, қайтиб бермагани билан иши йўқ эди. Китобларни тўплаб, кутубхона шаклида тартиб беришни эса ўйламасди. Келина-ясининг саволидан шу сабабли ҳам ҳижолат бўлди. Ўзини мутолаасиз, жоҳил кўрсатиб қўймаслик учун:

- Кутубхона нариги уйида, - деб оғир вазиятдан қутилди.

- Сўрамакка ижоза веринг, Зайнабхоним, мумкинмикин билмагимиз: бунларда қайси бир китоб чўх севилиб ўқиёлур?

Бу саволга жавоб тайёр бўлишига қарамасдан "Айтаверайми?" дегандай онасига қараб олди. Манзура бу қарашни бошқача тушуниб, "ёшларнинг гапларига ҳалал бермай", деган фикрда ўрнидан туриб, чиқди. Қайнонанинг хурмати юзасидан ўрниларидан туришган келинпошшалар жойларига қайтишгач, саволга жавоб кутиб, Зайнабга қарашди.

- Каттаю кичик "Ўткан кунлар"ни яхши кўриб ўқишди, - деди Зайнаб.

- О, чўх гўзалдир бу! - деди Чўлпоной кувониб. Сўнг кувончи сабабини изоҳлади: - Мен айнаи шундайди деб мулоҳаза қилиб эдим. Бу гўзал рўмонни ўзбекларнинг чўх севмасликларини мумкин эмасдир.

- Сиз... ўқиғанмисиз? -

деб ажабланиб сўради Зайнаб.

- Чўх-чўх маротабалаб, - деди Муштарий суҳбатга қўшилиб. - Унда зикр этилмиш сатрлар хаёлимизгада муҳрланмиш.

- Сиз китобни нардан олдинийиз, деб ажабланиюр-сизми? - деди Чўлпоной. - Бизим бир ватандош вордур, исм насаблари Жўра Бўтакўз. Эшитганииз ворми?

Зайнаб бунақа одамни эшитмаган эди, йўқ, маъносиде елкасини қисиб қолди. Чўлпоной бу кишини ўзи кўрмаган, шундай миллатпарвар ватандошлари борлигини отасидан эшитган эди. Ҳозир ана шу ҳикояларни баён қилиб берди. Жўра Бўтакўзнинг бу китобга гоёта меҳри баландлиги туфайли "Ўткан кунлар"ни барча ватандошларим ўқисин", деган мақсадда араб алифбосида нашр қилдирганини, бунинг учун Истамбулдаги меҳмонхонасини сотиб, барча маблағини босмаҳона харажатларига сарф этганларини, ношир истаб, Эронун Паркстонга борганларини ҳаяжонли туйғу билан айтди. Опасингилга миллат равнақи йўлидаги улуғ фидойилик ва жўмардлик бўлиб туюлган бу воқеани Зайнаб оддий иш сифатида қабул қилди.

Чўлпонойнинг ҳаяжонли ҳикоясини эҳтироссиз тарзда тинглади. Хонадонда ҳам, ўқишда, дугоналари даврасида ҳам миллат тақдирини, Ватан равнақи ҳақида сўзлар эшитмаган, "Ватанни суймак", деган тарбия мезонидан узоқ бўлган бу воқеадан келиналарини каби ифтихор эта олмасди. Чунки унинг учун ватанни соғиниб яшаш ҳисси бегона эди. Миллат учун борини бериш, ҳатто жондан кечиб ҳам бир бахт эканлигини у қайдан билсин? Унинг учун бахт - Кумушбиби каби суйганига етишмоқ эди. Етиша олмаганини бахтсизликка йўйди. Бу оламари бундан-да кўра улғуғроқ бахт, бундан-да кўра ўлчовсиз бебахтликлар борлигини у тасаввур эта олмасди. Шахс ташвишидан

ташқари миллат қайғуси деган фазилатлар борлигини Зайнаб бировлардан кўп марталаб эшитса-ю, ҳис қила олмаса, уни айблаш ўринли бўларди.

Яхшики, келинпошшолар ватан тақдирини, миллат қайғуси ҳақида ота-оналаридан эшитганларини айтиб, Зайнабдан фикр сўраб, уни оғир аҳволга солишмади. Чўлпоной Жўра Бўтакўзнинг саргузаштларини айтиб, адо қилгач, самимий тарзда деди:

- Бунларнинг қизлари худди Кумушбиби каби, худди Раъно хоним каби чўх гўзал эмишлар. Бунда ҳар бир хоним қиз бир Кумушдир, бир Раънодур. Бизим яшаганимиз Олмонияда на бир Кумуш бордир, на бир Раъно. Мирзо Анварким, бежиз байт битмамишларким:

*Агар Фарҳоднинг Шири  
бўлса Мажнунларнинг Лайло-  
си,*

*Насиб ўлмиш менга гул-  
шан аро гулларнинг Раъноси.*

- Офаринлар, ташаккурлар! - Муштарий яйраб кулганича енгил қарсақ урди. - Сўнг опасини қувватлаш мақсадида гап қўшди: - Бунда кўрдимки мен, ҳар бир хоним қиз Кумушдир, вале ҳар йигит бир Фарҳоддир, бир гайсдир. Бобур мирзомни эслаймизми:

Қани Лайли била Ширинким, алардан ишқ ўргансанг,  
Қани Фарҳод или Мажнунким, аларга ишқ ўргатсам.

Зайнаб бу байтнинг айтилувидан мақсад - акаларини алқаш эканлигини англаб, жилмайди.

- Рўмонни мутолаа этувим жараёнида Кумуш қандай қиз экан, деб чўх ўйга толудим. Сизни кўрдим ва дедимки: ана, Кумуш!

Зайнаб бу гапдан сўнг бошини эгди. Келиналарини унинг бу ҳолатини ийманишга йўйишди. Лекин қутилмаганда Зайнаб паст овозда:

- Кумуш ўлган... - деди.

Опа-сингилларга бу гап оғир таъсир этиб, бир-бирларига савол назари билан қараб олишди. Суҳбатни шу ҳолда узилишини истамаган Чўлпоной:

- Кумушбиби жисман ўлмишлар. Бибийимиз муҳаббатлари тирикдир, ўлмасдир. Унинг туйғуларини сиз ила бизда яшар, - дедию бу гапи билан Зайнабнинг юрагидаги ярани тирнаб, туз сепди. Зайнабнинг тирналган қалби ярадор қуш сингари потираб, жони бўғзига қадалгандек бўлди. Ундаги ўзгаришларни опасингиллар сездилар. Муштарий "ножўя сўз" айтдингиз, адо қилгач, самимий тарзда деди:

- Кумушбиби жисман ўлмишлар. Бибийимиз муҳаббатлари тирикдир, ўлмасдир. Унинг туйғуларини сиз ила бизда яшар, - дедию бу гапи билан Зайнабнинг юрагидаги ярани тирнаб, туз сепди. Зайнабнинг тирналган қалби ярадор қуш сингари потираб, жони бўғзига қадалгандек бўлди. Ундаги ўзгаришларни опасингиллар сездилар. Муштарий "ножўя сўз" айтдингиз, адо қилгач, самимий тарзда деди:

- Кумушбиби жисман ўлмишлар. Бибийимиз муҳаббатлари тирикдир, ўлмасдир. Унинг туйғуларини сиз ила бизда яшар, - дедию бу гапи билан Зайнабнинг юрагидаги ярани тирнаб, туз сепди. Зайнабнинг тирналган қалби ярадор қуш сингари потираб, жони бўғзига қадалгандек бўлди. Ундаги ўзгаришларни опасингиллар сездилар. Муштарий "ножўя сўз" айтдингиз, адо қилгач, самимий тарзда деди:

- Бу китобнинг харидори кўп. Дугонамга берувдим, у яна биттасига берибди. Китоб шу зайлда оёқ чиқариб, юриб кетган, қаердагилиги номаълум, - деди ҳазил оҳангида.

Музаффархон бир кунмас бир кун ватанга қайт и ш и г а ишонгани учун русларнинг алифбосини ҳам ўргатган, китоблар олиб келиб берган эди. Шунинг учун ҳам Чўлпоной китобни ўқишда қийналмади. Уч кундан сўнг китобни Зайнабга қайтариб бера туриб:

- Ажаб ҳол, - деди.

Зайнаб нимаси ажабланирли экан, деб ҳайрон қолди.

- Ажаб ҳолки, - деди Чўлпоной яна таъкидлаб, - китобда чўх саҳифалар йўқтур.

- Биров йиртиб олибдими? - деди Зайнаб афсусланиб.

- Саҳифалар ўзларининг ўрнидадир, аммо нашрда чўх гаплар йўқтур. Биз Юсуфбек ҳожимнинг сўзларини юракларимиз кўзлари ила ўқиб, хаёлимизга муҳрлаб олгандирмиз, - Чўлпоной шундай деб, китобни варақлаб, бир ерда тўхтади: - Мана бунда йўқтур у гаплар, - Чўлпоной бироз ўйланиб турди-да, китобга киритилмай, тушириб қолдирилган сатрларни ёддан ўқиди: - "Буродарлар! Ўрус ўз ичимиздан чиқадирган фитна-фасодни кутиб, дарбозамиз тегида кўр тўкиб ётибтир. Шундай маҳшар каби бир кунда биз чин ёвға берадирган кучимизни ўз қўлимиз билан ўлдирсак, сен фалон, деб қирилишсак, холимиз нима бўладир? Бу тўғрида ҳам фикр қилғувчимиз борми? Кунимизнинг кофир қўлига қолиши тўғрисида ҳам ўйлаимизми ёки унга қарши ҳозирлик кўриб қўйғанмизми?!"

Ҳожи ўзини тутолмай, кўз ёшисини оқ соқолига қуйиб давом этти: - Мана буродарлар! Сиз ўз қипчоғингиз қабр қазиган фурсатда, сизга иккинчилар тобут чопадилар. Биз қипчоққа қилич кўтарганда, ўрис бизга тўп ўқлайдур. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб, қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвған ҳар замон ўз яқинимга еткан кўраман! - деди ва рўймоли билан кўз ёшисини артиб, ўрнидан турди...

Шу ерга келганида Чўлпонойнинг овози титради, девора осиглик эроний гиламда худди Юсуфбек ҳожининг сиймоси тасвирлангандек тикилиб қолди. Сўнг деди:

- Дадам айтиб эдиларким, миллатнинг хорлиги айни ўша ҳаракатдан бошланмиш экан. Миллатнинг иттифокда собит эмаслиги ўз бошига қайғу солмиш экан... китобда эса бунлар йўқтур...

Чўлпоной бошқа гапирмади. Китобни Зайнабнинг қўлига тутқазиб, ўзи изига қайтди. Китобдан тушириб қолдирилган сатрлар, саҳифалар тақдирини унинг учун сир бўлиб қолаверди.





хужумлар қуршовида қолди. 40 нафарга яқин киши ҳаётига зомин бўлган мазкур террорчилик ҳаракатлари Афғонистондаги вазиятни янада чуқурлаштиришга хизмат қилди. Аввало, бу НАТО ўз миссиясини давом эттириши керак, деганлар учун айтиш мумкин бўлса, айтиш пайтда ўз давлатининг бошқа бир мамлакатда, айниқса, "ўзига тааллуқли бўлмаган урушда ўз ўғлонларини қурбон қилаётган"лар учун ҳам яхшигина сабаб бўлаётир.

Шу билан бирга, халқаро кучлар томонидан тинч аҳоли вакиллари ўлимига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар содир этилаётгани, чунончи, яқинда АҚШ ҳарбийсининг асосан болалар ва аёлларни ўққа тутгани афғонларда ҳам халқаро кучларнинг тезроқ чиқиб

кўндириш ва энг муҳими, шу йўл орқали миллий бирдамликка эришиш лозим. Бунда "6+3" мулоқот ташаббуси қўл келиши мумкин;

Иккинчидан, Афғонистонда беқарорлик ва уруш ҳолатининг сақланиб қолиши ушбу мамлакат билан чегарадош - Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон учун хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради. Энг ёмони, Афғонистондаги вазиятни "на уёқли, на буюқли" қилмасдан ташлаб чиқиб кетиш унга қўшни бўлган давлатлар учун жиддий хавф туғдиради;

Учинчидан, Афғонистондаги вазифалар охирига қадар рўёбга чиқарилмас экан, ўтган 10 йилдан ортиқ муддат давомида олиб борилган урушда мантисиз хотима бўлади. Чунки терроризм, гиёҳвандлик муаммоси сақланиб, глобал хавфсизликка таҳдид бўлиб қолаверади;

Тўртинчидан, Афғонистон халқини уруш ва терроризм, гиёҳвандлик балосидан сақлаб қолиш бўйича бугунги кунда кўриляётган чора-тадбирларни бутунлай йўққа чиқаради. Чунки ҳозирда афғонларга таълим бериш, уларни иш билан таъминлаш, рўзгор тебратиш учун имкон қадар қулай шарт-шароит яратиш, мамлакатда таълим, транспорт, соғлиқни сақлаш инфратузилмасини барпо этиш бўйича жуда катта ишлар амалга оши-

кетишини талаб қилишга туртки бермоқда. Бу, айниқса, толибонлар учун айтиш мумкин бўлаётир.

Умуман, НАТОнинг ўз олдига қўйган вазифаларни тўлиқ бажармасдан Афғонистонни тарк этиши (аслида шундай бўлиш эҳтимоли юқори) бир қатор муаммоларнинг янада илдиришига сабаб бўлади:



Аввало, Афғонистонда беқарорлик сақланиб, толибонларнинг кучайиши, улар томонидан турли террор ҳаракатларининг кўпайишига олиб келади. Шу боис ҳам Афғонистонни тарк этишдан олдин толибонлар билан музокара столига ўтириш, агар зарур бўлса, уларга нисбатан ялпи афв эълон қилиш, толибонларнинг ҳокимият учун курашишини қонуний асослар орқали амалга оширишга

риляпти. Шундай экан, НАТО ўз миссиясини охиригача адо этмоғи ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Хулоса қилиб айтганда, сўзимиз аввалида таъкидлаганимиздек, афғон "қарғиши" такрорланмаслиги, яъни бу галги вазифалар ҳам йўққа чиқмаслиги ўта зарурдир. Афғонистон заминида тинчлик бўлиши, аввало, унинг қўшнилари учун, сўнгра бутун дунё учун фақат ва фақат ижобий ҳолатдир.

## Афғонистон «қарғиши». НАТО ўз миссиясини бажара оладими?

Дунёга машҳур италиялик ёзувчи Умберто Эко ўз интервьюларидан бирида "Агар Жорж Буш Афғонистон ҳақида рус ёки инглизлар ёзган бир-иккита китобни ўқиганида борми, ушбу мамлакатга умуман бостириб кирмасди. У тоғларда ҳатто Искандар Зулқарнайн ҳам мағлубиятга учраганини англаб етармиди?", деб ёзганди. Дарҳақиқат, Афғонистон билан шундай тарихий ҳақиқатлар борки, уларни инкор қилиб бўлмайди. Улардан бири, шубҳасиз, Афғонистонда олиб бориладиган ҳарбий ҳаракатлар алақибатда мағлубият билан якунланишидир.

Маълумки, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШ бошчилигидаги халқаро ҳарбий кучлар Афғонистонга бостириб кирди. Толиблар ҳокимиятига барҳам бериш, террор ўчоғи - "Ал-Қоида"ни бутунлай йўқ қилиш, Афғонистонда демократик, қонунларга асосланган давлатни барпо этиш мақсад қилинди, афғон халқига фаровон турмуш ваъда қилинди.

Орадан 10 йилдан ортиқ вақт ўтдики, ушбу мақсадлар ҳали тўлиқ рўёбга чиқарилмади. Биринчидан, толибонлар ҳокимиятига барҳам берилган бўлса-да, улар минтақада хавфсизликка асосий таҳдид бўлиб қолмоқда. Қолаверса, янги-

дан тузилган Афғонистон ҳукумати ҳам мамлакатни оёққа турғазишда жиддий муаммоларга дуч келаётир.

Афғонистондаги тинчликни сақлаш ва терроризмга қарши курашишда НАТО шафелигида Халқаро хавфсизликни таъминлашга қўмаклашиш кучлари фаол иштирок этиб келмоқда. Ушбу тузилма таркибида 46 мамлакат ҳарбийлари ва ҳарбий техникалари жалб қилинган бўлиб, урушнинг ҳаддан ташқари узоқ муддат мобайнида давом этаётгани, қолаверса, глобал молиявий-иқтисодий инқироз тўғрисида аксарият мамлакатларда ҳарбий харажатлар миқдори кескин қисқартириляётгани улар сафидан чиқмоқчи бўлган давлатлар сонининг кўпайишига олиб келмоқда.


Кўпчиликка маълумки, 2014 йилда Афғонистондан асосий халқаро ҳарбий кучлар олиб чиқиб кетилиши мўлжалланмоқда. Бироқ, аксарият мамлакатларда (Фарб мамлакатлари) ҳокимиятга сўл кучлар келаётгани ушбу муддат бўйича ҳам вазифаларни охирига етказишга ҳалақит бермоқда.

Хусусан, шу кунларда авжига чиққан Франция сайловолди кампаниясида амалдаги президент Николя Саркозининг асосий рақиби Франсуа Олланд агар мамлакат пре-

зиденти этиб сайланса, белгиланган муддатни янада жадаллаштиришини ваъда қилди. Шуни айтиб ўтиш керакики, шу йилнинг 12 апрель куни француз ҳарбийлари ўзлари назорат қилиб турган Суруб воҳасида ҳарбий назоратни маҳаллий ҳарбийларга топширишди. Француз ҳарбийлари 2013 йилда тўлиқ олиб чиқиб кетилиши керак. Аммо логистика, яъни ҳарбий техника ва юкларни олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ муаммолар ушбу жараённинг ўз вақтида бажарилишини шубҳа остига қўймоқда.

Боз устига, яқинда бошланган толибонларнинг кенг миқёсда террор ҳужумлари ҳам айрим давлатларни ушбу "жаҳаннам"ни тезроқ тарк этишга ундамоқда. Австралия ҳукумати раҳбари Жулиа Гиллард ўз мамлақати ҳарбийларининг асосий қисмини муддатидан олиб чиқиш вақти етганлиги ҳақида айтиб ўтгани фикримизга яққол далилдир. Маълумки, шу йилнинг 15,16 апрель кунлари Афғонистон бўйлаб содир этилган мислсиз террорчилик ҳаракатлари 2001 йилдан бери кузатилмаган эди. Бу гал НАТОнинг Афғонистондаги бош қароргоҳи, Президент ва парламент бинолари, элчихоналар мана шундай





**Х асрдан кейин барча замонлар учун буюк олим сифатида эътироф этилган Беруний бундан салкам минг йил аввал ер кўрасининг ғарбий қисмида материк бўлиши мумкинлигини башорат қилган эди.**

**Бу материк ҳозирги жаҳон цивилизациясида катта рол ўйнаётган Америка эди, албатта.**

**Аммо шарқ мутаффакири, буюк олим Беруний замонлар келиб ана шу қитъа халқлари, ўзининг ватандошлари билан турли йўналишларида алоқалар ўрнатишини, олимлари эса, бу кўҳна шарқ юртларининг бадий адабиётини ўрганишга махсус тадқиқотлар бағишлашини хаёлига келтирганмикан?**

## Америкада ўзбек адабиёти ўрганилмоқда

Биз буни билмаймиз, лекин, шундай фикрлар, мабодо, олим хаёлидан ўтган бўлса, у орзу қилган замонлар келди.

Америка Қўшма Штатларининг қатор адабиётшуос олимлари ХХ асрнинг ўрталаридан бошлаб ўзбек адабиёти ҳақида салмоқли тадқиқотлар ярата бошладилар, кўплаб мақола ва китоблар эълон қилди.

Шуниси эътиборлики, собиқ иттифоқ парчалангандан сўнг, мустақиллик даврига келиб, Ўзбекистонда олис Америкадаги ана шундай олимларнинг тадқиқотларини махсус ўрганадиган, уларга жиддий баҳо бера оладиган янги олимлар авлоди етишиб чиқди.

Инглиз тилини билиш, манбаларни оригиналда ўрганиш ҳамда тадқиқ этилаётган муаммоларга, сиёсий ёки мафкуравий эмас, умумбашарий мезонлар асосида холис баҳо бера олиш мутахассислар олдида кўндаланг бўлган асосий талаблар эдики, мустақиллик ана шундай хусусиятга эга олимларни тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратди.

Ёш олима филология фанлари номзоди Зулхумор Мирзаева қаламига мансуб "ХХ аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши" номли монография ана шун-

дай тадқиқотлардан бири бўлиб, бугунги Ўзбекистоннинг мазкур масалага доир салоҳиятидан ёрқин тасаввур беради.

Инглиз тилини деярли мукамал билиш, АҚШнинг қатор шаҳарларида бўлиш, Колумбия, Индиана, Гарвард каби Марказий Осиёни ўрганувчи қатор обрўли университет кутубхоналарида ишлаш, бу мамлакатдаги ўзбек адабиёти билан шўғулланувчи қатор олимлар билан шахсан танишув ва улар билан илмий алоқа ўрнатиш ушбу "ХХ аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши" китобининг яратилиши учун асос бўлган.

Китоб яқиндагина нашр этилган бўлса-да, у деярли ўн йиллик меҳнат самарасидир. Зулхумор Мирзаева бундан олти етти йил аввал жадид адабиётининг (1900 - 1920) Америкада ўрганилиши ҳақида махсус номзодлик диссертациясини ёқлади. Сўнг, докторлик ишини, умуман, Америкада ХХ аср давомида ўзбек адабиётининг ўрганилиши мавзусига бағишлади.

"ХХ аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши" монографияси ана шу изланишларнинг самараси сифатида майдонга келди.

Китобда ёш ўзбек олимаси, хориждаги, хусусан, АҚШдаги Э. Олворт, Э. Наби,

Ж. Соупер, Э. Лаззери, Х. Мурфи, А. Холид, Р. Мария, Л. Шон, О. Ахмед, Р. Харрел каби мутахассисларнинг ўзбек адабиёти ҳақидаги ишларини тадқиқ этади, уларга холис баҳо беришга ҳаракат қилади, ўрни-ўрнида уларнинг айримлари билан жиддий мунозарага ҳам киришади.

З. Мирзаеванинг Беҳбудий, Қодирий, Фитрат, Чўлпон асарлари юзасидан хорижлик олимлари билан айрим тортишувлари, адабиётшунослари ҳам, адабиёт ихлосмандларини ҳам бефарқ қолдирмайди.

Китобдан олиманинг, шунингдек инглиз-ўзбек таржималарига доир қатор айрим тадқиқотлари, ҳозирги севимли ёш ўзбек адиби Улуғбек ?амдам қаламига мансуб "Мувозанат" романининг Америкадаги талқинига бағишланган мақола, шунингдек, муаллиманинг Колумбия университети фахрий профессори Эдворт Олворт ва Мичиган университети тадқиқотчиси Рейчел Харрел билан ўзбек адабиёти масалаларига доир суҳбатлари ҳам ўрин олган.

Хуллас, бугунги Ўзбекистон адабиётшунослиги изланишларида ёш олима Зулхумор Мирзаеванинг ҳам ўз ўрни бор.

Толибжон АБРОЛОВ.

## Чикагода баҳор фестивали

**Туркий халқлар азал-азалдан баҳорни интиқиб кутган. Зеро, баҳор нафақат янгилиниш, яшариш фасли бўлган, балки миришкорлар, зироаткорлар учун экин-тикинни бошлаш, ерга уруғ қадаш даври ҳам ҳисобланган.**



Шунинг учун баҳорни қувонч билан, байрам билан кутиб олиш урф бўлган. Энг тансиқ таомлар тайёрланган, кую қўшиқлар янграган, турли ўйинлар ўтказиш одатга айланган.

Бугунги кунда ҳам ўша-ўша аъналар сақланиб қолган. Одамлар баҳор байрамларини катта шуқу билан нишонлашмоқда.

Буни Чикаго яқинидаги Арлингтон-Хайтс шаҳарчасида бўлиб ўтган "Туркий халқларнинг баҳор ва болалар фестивали" мисолида ҳам кўриш мумкин. Унда турк, қозоқ, туркман, қирғиз ва бошқа миллатлар қатори-

да ўзбекистонликлар ҳам иштирок этишди.

Тадбирда ўзбек миллий санъати буюмлари, миллий таомлари намойиш этилди. Шунингдек, ҳар бир миллат ўз куй-қўшиқлари, миллий рақслари билан даврани қиздиришди. Айниқса, болалар учун турли туман кўнголочар тадбирлар, ўйинлар ўтказилгани жажжи болакайларни жуда қувонтирди.

Фестивалда Иллинойс штатининг котиби Жесси Уайт иштирок этиб, тадбир иштирокчиларини қутлади.

Олим Шарипов,  
Чикаго.

## Ўзбекистон ваъдасини бажарди

**"Ўзбекнефтгаз" компанияси расмий сайти 2012 йил 1 апрелидан Тожикистонга газ етказиб бериш тўхтатилгани юзасидан баёнот берди. Унга кўра, 2012 йил 5 январидан "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси ва "Тожиқтрансгаз" акциядорлик компанияси ўртасида имзоланган шартноманинг 2.2-бандига мувофиқ, Тожикистон Республикасига 45 млн.м.куб ҳажмдаги табиий газни фақат 2012 йилнинг I чорагига қадар етказиб бериш кўзда тутилган. Иккита хўжалик юритувчи субъект ўртасида тузилган мажбуриятлар тўлиқ бажарилди ва шу муносабат билан Тожикистон Республикасига табиий газ етказиб беришнинг тўхтатилиши борасидаги интернетдаги гўёки Ўзбекистон Тожикистонга етказиб беришни тўхтатди деган иғволар ҳеч қандай асосга эга эмас, дейилади баёнотда.**

## Иш керакми, паролни айт!

**АҚШда ходимни ишга ёллаш учун суҳбат вақтида берувчилар томонидан номзоднинг турли ижтимоий тармоқларда, хусусан, Facebookдаги саҳифасига кириш имконини яратувчи паролларни беришни талаб қилиш ҳолатлари кўп учрамоқда.**

"Associated Press" ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, бу ҳолат юзасидан демократ-сенаторлар Чарльз Шумер ва Ричард Блументаллар махсус суриштирув ўтказишни талаб

қилишган. Уларнинг фикрича, иш берувчиларнинг бундай хатти-ҳаракати мамлакат қонунчилигига зиддир.

Сенаторлар ушбу масала бўйича Адлия вазирлиги ҳамда Ишга

жойлашишда тенг имкониятлар яратиш бўйича комиссияга махсус хат йўллашган. "Бизнинг жуда кўплаб шахсий маълумотларимиз интернетда жойлашган бир шароитда одамларга ўзи ҳақида қандай ахборотни жойлаштириши, уни қандай ҳимоя қилиши бўйича кенг имконият яратиб берилиши керак", дейилади мактубда, жумладан.

Бундан ташқари, Facebook компанияси ҳам иш берувчилардан ишга кирмоқчи бўлган ходимлардан паролларни сўрамасликка чақирган. Агар бу ҳолат қузатилса, компания иш берувчилар билан судлашишга тайёрлигини билдирган. Компания вакиллари кўра, Facebook билан фойдаланувчи ўртасидаги шартномага мувофиқ, томонлар паролни учинчи шахсларга тақдим қилишга ҳаққи йўқ.



# «Grin Karta»ngizni almashtirmoqchimisiz?

**AQShda doimiy yashash baxtini qo'lga kiritgan sanoqli insonlardan birisiz. Sizga shu huquqni beruvchi "yashil guvohnoma"ni qo'lingizga olganingizga ham bir necha yil bo'libdi. Pasport kabi, vaqti kelganda, "grin karta"ni ham almashtirish kerakligini bilasiz. Ammo bu jarayon qanday kechishi haqida to'liq ma'lumotga ega emassiz. Bu maqolada sizga shu masalada ma'lumot beramiz.**

## Avvalo, ariza to'ldirasiz

AQShda doimiy yashovchi shaxslar "Grin Karta"ni almashtirish uchun maxsus I-90 formasini to'ldirishi lozim. I-90 formasi doimiy yashovchilar uchun hujjatni almashtirish uchun ariza bo'lib, uni AQSh Fuqarolik va Immigratsiya xizmatlari veb-sayti orqali topshirish mumkin. Arizani pochta orqali ham yuborish mumkin.

Agar AQSh hududidan tashqarida "Grin Karta"ngizni yo'qotib qo'ygan bo'lsangiz, I-90 formasiga ariza yozishdan oldin eng yaqin joyda joylashgan AQSh konsulxonasiga, AQSh Fuqarolik va Immigratsiya xizmatining ofislariga yoki kirish portiga murojaat qilishingiz lozim. Agar I-90 formasini yangilab berish haqida qaror chiqarilsa, sizga pochta orqali qabul qilingan sanadan boshlab 10 yillik muddatga uzaytirilgan yangi "Grin Karta" yuboriladi.

"Grin Karta"ni qachon almashtirish kerak?

Quyidagi hollar ro'y berganda, "Grin Karta"ni almashtirish lozim bo'ladi:

"Grin Karta" yo'qolgan, o'g'irlangan yoki yaroqsiz holga kelgan bo'lsa;

"Grin Karta" siz 14 yoshga to'lguningizgacha berilgan bo'lsa, siz 14 yoshga to'lgan kun (Amal qilish muddati 16 yoshgacha bo'lsa, "Grin Karta" 16 yoshda almashtiriladi.)

Shu paytgacha AQShga chetdan qatnab yashayotganlar endi doimiy yashovchi maqomini olishni istasa;

Shu paytgacha AQShda doimiy yashovchi bo'lganlar endi qatnab yashovchi maqomiga o'tishni istasa;

Maqomingiz avtomatik tarzda doimiy yashovchi maqomiga o'tkazilgan bo'lsa;

Xorijiy fuqaroning ro'yxatdan o'tganligini ko'rsatuvchi hujjatlarni yangilashni istaganlar (Masalan, AR-3, AR-103 yoki I-151 formalari muhojirlik maqomini ko'rsatuvchi hujjat bo'la olmaydi. Bu hujjatlarning amal qilish muddati tugaganda, "Grin Karta" olish lozim);

Hujjatingizda noto'g'ri ma'lumotlar qayd etilgan bo'lsa;

"Grin Karta"ngizni oxirgi marta almashtirganingizdan keyin unda qayd etilgan ismingiz va boshqa biografik ma'lumotlaringiz qonuniy o'zgartirilgan bo'lsa;

AQSh Fuqarolik va Immigratsiya Xizmatlari yuborgan birinchi "Grin Karta" sizga yetib kelmagan bo'lsa.

Ariza topshirgandan so'ng qancha kutish kerak?

Arizalarni ko'rib chiqish vaqti

odatda uch yarim oyni tashkil qiladi. Ariza natijalari haqida ma'lumotni AQSh Fuqarolik va Immigratsiya xizmatlari veb-saytida "My Case Status" bo'limi orqali tekshirishingiz mumkin. Immigratsiyaga oid savollaringiz bo'lsa, Mamlakat Mijozlar Xizmati Markazining 1-800-375-5283 raqamlariga qo'ng'iroq qilib so'rashingiz mumkin. Qo'ng'iroq qilganingizda markaz xodimlariga arizangizning qabul qilinganligini tasdiqlovchi raqamni, Xorijiy Fuqaroni qayd etish raqamini, ism-sharifingiz, tug'ilgan kuningiz kabi ma'lumotlarni taqdim etishingiz lozim.

Arizangiz rad etilsa, kimga shikoyat qilish kerak?

"Grin Karta"ni almashtirish uchun topshirgan arizangiz rad qilinsa, u nima uchun rad qilinganligi haqida rasmiy javob keladi. Rad qarori ustidan shikoyat qilishga haqli emassiz. Shunga qaramay, sizga rad qarorini bergan idoraga sizning arizangiz ishini qayta ochishini yoki ishini qayta ko'rib chiqishini iltimos qilishingiz mumkin.

Iltimosingizda ishini qayta ochishga asos bo'ladigan yangi faktlardan iborat dalillarni ko'rsatishingiz kerak. Arizangiz qayta ko'rib chiqilishi uchun birinchi ko'rishda qonun yoki immigratsiya qoidalarining buzilganini yoki qaror qabul qilingan paytda arizadagi dalillardan birining noto'g'ri bo'lganini isbotlashingiz kerak.

Onlayn to'ldirilganda nima qilish kerak:

**Ariza onlayn to'ldirilganda, "Grin Karta"ni almashtirish jarayoni uchun bosqichdan iborat bo'ladi:**

**1.** Veb-saytga kirib, onlayn I-90 formasini to'ldirasiz. Shundan so'ng, siz jamlashingiz kerak bo'lgan dastlabki dalillar va qo'llab-quvvatlovchi hujjatlar ro'yxati beriladi.

**2.** Talab qilingan dastlabki dalillar va qo'llab-quvvatlovchi hujjatlarni pochta orqali ushbu manzilga yuborasiz:

Nebraska Service Center  
Attn: E-Filed I-90 Application  
PO Box 87090  
Lincoln, NE 68502-7090

Talab qilingan va qo'llab-quvvatlovchi hujjatlar qabul qilinmaguncha, arizani ko'rib chiqish jarayoni boshlanmaydi.

**3.** B i o m e t r i k ma'lumotlaringizni olish uchun tayinlangan uchrashuv kuni haqida xabarнома olasiz. (Bu bir necha hafta vaqt olishi mumkin.) Biometrik ma'lumotlarni olish uchun uchrashuvga borganda, quyidagilarni o'zingiz bilan birga olib borish talab etiladi:

• Biometrik ma'lumotlarni olish

uchun sizga yuborilgan xabarnoma.

• Fotosuratli shaxsni tasdiqlovchi hujjatlarning quyidagilardan biri:

• O'z davlatingiz tomonidan berilgan pasportingiz yoki milliy shaxsni tasdiqlovchi hujjat, yoki

• Haydovchilik guvohnomasi, yoki

• Harbiy guvohnomangiz, yoki

• Shtatingiz tomonidan berilgan fotosuratli shaxsni tasdiqlovchi hujjat

## Quyidagi holatlarda hujjatlarni internet orqali topshirishingiz mumkin:

• Olti oy ichida amal qilish muddati tugayotgan yoki amal qilish muddati o'tib ketgan "Grin Karta"ngizni almashtirmoqchi bo'lsangiz;

• "Grin Karta"ngiz yaroqsiz holga kelgan bo'lsa,

• Biografik ma'lumotlar yoki ism o'zgargan bo'lsa,

• Qatnab yashovchi maqomini olgan bo'lsangiz,

• Maqomingiz avtomatik ravishda doimiy yashovchi maqomiga o'zgartirilgan bo'lsa,

• Hujjatning eski shakliga ega bo'lsangiz va yangi shakliga almashtirmoqchi bo'lsangiz.

## Quyidagi holatlarda arizani internet orqali topshirishingiz mumkin emas:

• "Grin Karta"ngizdagi shartlarni olib tashlash uchun ariza topshirayotgan bo'lsangiz;

• AQSh, Guam, Puerto Riko yoki AQSh Virjin orollaridan tashqarida yashasangiz,

• To'lov badalidan ozod qilishni so'rab ariza yozayotgan bo'lsangiz,

• Hujjatingiz hech qachon sizning qo'lingizga kelib tegmagan bo'lsa, (qog'oz shaklidagi I-90 formasini to'ldiring)

• Hujjatingizda AQSh Fuqarolik va Immigratsiya xizmati ma'muriyati tomonidan yo'l qo'yilgan xatolik mavjud bo'lsa, (qog'oz shaklidagi I-90 formasini to'ldiring)

• 14 yoshga to'lishingizga 30 kun qolgan muddat ichida ariza yuborayotgan bo'lsangiz va hozirgi hujjatingizning amal qilish muddati 16 yoshga to'lguningizgacha tugamasa. (qog'oz shaklidagi I-90 formasini to'ldiring)

• 14 yoshga to'lishingizga 30 kun qolgan muddat ichida ariza yuborayotgan bo'lsangiz va hozirgi hujjatingizning amal qilish muddati 16 yoshga to'lguningizgacha tugasa. (qog'oz shaklidagi I-90 formasini to'ldiring)

## Ariza to'lovi

Onlayn ariza topshirish uchun 450 AQSh dollari miqdorida to'lov to'lashingiz lozim. ( Bu to'lov o'z ichiga ariza to'ldirish uchun 365 dollar va biometrik ma'lumotlarni olish uchun 85 dollar to'lovni qamrab oladi.)

## Manzilingiz o'zgarsa

Onlayn ariza topshirgan bo'lsangiz va turar joy manzilingiz va boshqa sizga bog'lanish ma'lumotlaringiz o'zgarganda, "Ma'lumotlarni o'zgartirish" sahifasi orqali ma'lumotlaringizni yangilashingiz mumkin.

## Biografik ma'lumotlarni o'zgartirish

Ismingiz o'zgarganligi sababli hujjatingizni almashtirmoqchi bo'lsangiz, sud qarorining asl nusxasini yoki sud qarorining sertifikatlangan nusxasini yoki nikoh guvohnomasini taqdim qilishingiz shart. Boshqa xildagi biometrik ma'lumotlar o'zgarganda, ma'lumotlarning hozirgi shakli to'g'riligi haqidagi hujjatlarning nusxasini taqdim qilishingiz lozim. AQSh Fuqarolik va Immigratsiya xizmati ma'muriyati tomonidan yo'l qo'yilgan xatoliklarga tushuntirishlaringizni ilova qilishingiz lozim.

## Vaqtinchalik beriladigan doimiy yashovchi hujjati

• Muddati tugayotgan yoki tugab bo'lgan hujjatni yangilash uchun Arizalar Markaziga belgilangan uchrashuvga borganingizda, hozirgi hujjatingizni vaqtinchalik muddatga uzaytirib berishadi. AQSh Fuqarolik va Immigratsiya xizmati hujjatni yangilashga bo'lgan arizani ko'rib chiqadi va qaror qabul qilishi bilan yangi 10 yillik muddatga beriladigan "Grin Karta"ngizni (rasman doimiy yashovchi guvohnomasi, I-551 formasi) sizga pochta orqali yuboradi.

• Yo'qotilgan yoki shikast yetgan hujjatni almashtirish: I-90 formasini to'ldirayotganda ariza to'ldirish sababini "A. Mening qonuniy kuchga ega hujjatim yo'qotilgan, o'g'rilangan yoki shikast yetgan" degan bandi bilan izohlang. INFOPASS yordamida uchrashuv belgilang. Yashab turgan joyingizdagi mahalliy immigratsiya ofisiga uchrashuvga borganingizda Doimiy Yashovchi guvohnomangizning nusxasi va AQSh Fuqarolik va Immigratsiya xizmati tomonidan sizga yuborilgan arizani qabul qilganlik to'g'risidagi ma'lumotnomani (I-797 formasi), o'z davlatingiz pasportini o'zingiz bilan birga olib boring. Shunda sizga vaqtinchalik doimiy yashovchi huquqingiz borligini ko'rsatuvchi hujjat beriladi. (Pasportingizga muhr bosiladi) Doimiy Yashovchi Guvohnomangizning nusxasi bo'lmasa, davlat tomonidan berilgan pasport, haydovchilik guvohnomasi, shtatning shaxsni tasdiqlovchi hujjati yoki AQSh harbiy guvohnomalari kabi fotosuratli shaxsni tasdiqlovchi hujjatni o'zingiz bilan birga olib boring.

## Arizani qaytarib olish

Topshirilgan I-90 arizangizni to'xtatish yoki qaytarib olish uchun yozma iltimosnomani quyidagi manzilga jo'nating:

Nebraska Service Center  
Attn: E-Filed I-90 Application  
PO Box 87090  
Lincoln, NE 68502-7090

Ariza to'xtatilganda yoki qaytib olinganda to'langan to'lov arizachiga qaytarilmaydi.

## Pochta orqali jo'natganda nima qilish kerak?

• I-90 formasini yuklab oling;

• I-90 formasini to'ldirish uchun yo'riqnomani yuklab oling;

• G-1145 formasini, Ariza qabul qilinganligi haqida elektron ma'lumotnomani yuklab oling.

## Arizani qayerga yuborish kerak?

Qog'oz shaklidagi barcha I-90 formasi hamda arizaga ilova qo'llab-quvvatlovchi hujjatlar AQSh Fuqarolik va Immigratsiya Xizmatining Finiks Lokboks bo'limiga yuborilishi shart.

AQSh pochta xizmati uchun manzil (U.S. postal box service)

USCIS  
P.O. Box 21262  
Phoenix, AZ 85036  
USPS Express Mail va kuryer orqali yetkazish uchun:

USCIS  
Attention: I-90  
1820 E. Skyharbor, Circle S, Floor 1  
Suite 100  
Phoenix, AZ 85034

Arizangizning AQSh Fuqarolik va Immigratsiya Xizmati tomonidan qabul qilinganligi haqida elektron pochta orqali yoki telefonda yozma xabar orqali ma'lumotga ega bo'lmoqchi bo'lsangiz, G-1145 formasini to'ldiring va bu formani arizangizning eng oldingi betiga qo'ying.

## Ariza to'lovi

365 dollar (85 dollar biometrik ma'lumotlarni olish uchun to'lovni qo'shganda, jami 450 dollarni tashkil qiladi).

Ariza qabul qilingach, AQSh Fuqarolik va Immigratsiya Xizmati tomonidan biometrik ma'lumotlarni olish uchun uchrashuv belgilanganligi haqida yozma ma'lumotnoma olasiz.

## Arizani to'xtatish

Topshirilgan arizangizni to'xtatmoqchi yoki qaytarib olmoqchi bo'lsangiz, yozma ravishda iltimosnoma yozib, uni quyidagi manzilga yuboring:

Nebraska Service Center  
PO Box 87090  
Lincoln, NE 68502-7090

**Dilorom Abdullayeva tayyorladi.**





**Ўзбек давлатчилиги тарихида жадидларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Зотан, уларнинг пировард мақсади халқни маърифатли қилиш, дунёда ривожланган давлат тажрибаларидан унумли фойдаланиш ва шу орқали озодликка эришиш бўлган. Бундан бир асар муқаддам жадид уламоларимиз айтган фикрлар, ёзган мақолалар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Қуйида ўзбек жадидларининг отаси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1913 йил 30 июлда "Самарқанд" газетасида чоп этилган мақолани эътиборингизга ҳавола этамиз. Негаки, унда кўтарилган айрим масалалар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Эслатиб ўтамиз, ушбу мақоладаги айрим сўз ва жумлалар бугун истъомолдан чиққани учун уларни муқобили билан қўллашга ҳаракат қилдик.**

уламосига тобеъ экан, бизни уламо билъакс авомга тобеъдур? Бунинг охири харобдур. Йигирма, ўттиз йил сўнгра яна ёмонроқ булур, муслмонлик, илм ва одоб билан тугайди. Миллат ахлоқи, фазл ва ҳунар ила боқий қолур.

Бугун ислоҳи мактаб-мадраса, яъни ислоҳи миллатга қўшиш қилинмаса раби аср сўнгра диёнат барбод бўлур ва анинг

## Миллатлар қандай тараққий этарлар?

Миллатлар тараққийига бир неча сабаблар бўлуб, туб сабаби олимлар билан бойларнинг ватанпарварлиги ва ғайратларидур. Тараққий қилгон ва ё энди тараққий қилгучи миллатлар аҳволига диққат қилинса, мазкур икки тоифа кишиларнинг ўз миллатларига сўз ва маблағ ила хизмат этганлари аён бўлади.

Ҳар миллатнинг олимлари, аҳли қалами, мутафаккири ўз миллатининг равнақи учун йўл кўрсатур, йиғилиш ўтказиб, миллат ахлоқининг ислоҳи учун масжидларда панд ва насиҳат берур, мактаб ва мадрасаларда дунё ва охиратда керак илм ва фан, таълим берарлар, китоб ва газет билан одамларни баҳс ва мунозарага чорлайдилар.

Тараққий қилгучи миллатларнинг олимлари замондин бохабар бўлиб, ўз миллатининг равнақи учун саъй этар, миллатни келажига маблағ ила, ғайрат ила ҳисса қўшмоқни

миллат бойларига таклиф этар, ташвиқ ва тарғиб этар. Хулоса, ҳар миллатнинг олимлари, аҳли қалами миллат учун сўзлар, ёзар ва миллий ва замоний тараққиётни илгари сурарлар.

Замона бойлари ўз миллатларини замонавий ривожни йўлинда оқча сарф этарлар, масалан, янги усулда замонавий мактаблар бино этиб, замонавий мутахассис одам тайёрламоқ учун ҳаракат этарлар.

Ҳукуматнинг ўрта ва олий мактабларида ўқидургон ўз миллат болаларига ёрдам кўрсатурлар. Ва бечора ҳамжинсларини диний ва дунёвий мактабларига беруб, ўз харажатлари ила ўкутадурлар.

Рус, армани, яхудий ва бошқа Русиядаги ватандошларимизнинг бойлари доимо ўз миллатлари учун катта хайр ва эҳсонлар қиладурлар, инчунин, Қафқоз, Қирим, Қозондаки муслмон биродарларимизни бойлари, уламо-

си ва аҳли қалами, соҳиб фикри ўз биродарларира мол, оқча, қалам ва илм ила кўп ёрдам қиладурлар.

Аммо бизни Туркистонда бу ишлардин сўйламоққа ҳануз навбат келган йўқ. Ҳар ким ўз нафъи ва ўз шахсий иши ила саргардон, умумий ёинки диний ва миллий ишларнинг равнақи учун, миллатни замона одамларидек тараққий этмоғи учун, халойиқни ислоҳ ахлоқи учун ғам тортувчи ва ҳаракат этгучи йўқдир.

Бир карра диққат қилиб, маҳалла-куй ва қишлоқ халқларига қаралсун. Авомлик, беилмлик нақадар кўпайган. Биз муслмонмиз. Муслмонликга илм лозим, амал лозим. Ўқумок керак, нима учун бошқа миллатларда юза бир нафар бесавод йўқ экан, биза юза бир нафар саводлик йўқ?

Бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммолликда ва гадоликда. Бошқа миллат

жавоби масъулияти бугунгиларга қолур, бу масъулиятдин қутулмоқ учун миллатни диний илм ва дунёвий илм-фанлар ўқумок учун тарғиб қилмоқ керакдур.

Диний илм ва фанларнинг ўрни мактаб ва мадрасадур. Дунёвий фанларни ўрни ҳукумат мактабларидур, иккисига ўқумок учун маблағ лозимки, ул оқча бойларнинг юртпарварлигидан қиқса керак. Бугун замонни ислоҳот ва тараққиётга ҳисса қўшган бошқарур. Миллатга ёрдам этмоқ учун, ислоҳи мактаб ва мударрис учун, русий мактабларига ола тайёрламоқ учун, деҳқон ва санъаткорларни ривож бермоқ учун "ҳамийяти хайрия", "нашри маориф", қироатхоналар, фондлар, куружуклар, жаридалар, мажаллар, нашриётлар керакдур. Миллатлар тараққийси шул ила бўлур ва бу ишларга оқча керакдур, оқча бойларда ва афродда!

### Сел зиён келтирган уйларга ёрдам кўрсатилади

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида сел, сув тошқини натижасида уй-жойларга етказилган зарарни қоплаш учун 2 миллиард 90 миллион сўм ажаратишга қарор қилган. Kun.uz сайтининг ёзишича, мамлакат Молия вазирлиги 234 та уй-жой эгасига имтиёзли нархларда қурилиш материаллари харид қилиш учун ушбу маблағларни йўналтиради. Шу билан бир қаторда, табиий офатдан зарар кўрган умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари, бир қатор қишлоқларга элтувчи маҳаллий йўллар, шунингдек, кўприклар ҳам таъмирланади. Шу билан бирга, газ, электр таъминотида ҳам худди шундай таъмирлаш ишлари олиб борилади.

### Тошкент кўчаларида Mercedes-Benzлар кўпаяди

Шу йилнинг 1 сентябрига қадар Тошкентга 50 та янги Mercedes-Benz автобуси олиб келинади. Автобусларнинг иккинчи қисми октябрда келтирилади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси ва Германиянинг "ЭвоБус ГмбХ" фирмаси умумий қиймати 14 млн. евролик автобуслар партиясининг олди-сотти шартномасини тузишди, шунингдек, ҳамкорликда уларни етказиб бериш жадвалини ишлаб чиқиб, тасдиқлашди. Шартноманинг тўлиқ қийматини молиялаштириш ишлари Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 15 йил муддатга, шу жумладан, уч йиллик имтиёзли давр билан, тақдим этиладиган кредит ҳисобига амалга оширилади.

## Ўзбек қизининг Лондон орзуси

**Ўзбекистонлик Мафтуна Тўхтасинова Лондон Олимпиадасида иштирок этиш учун Америкада тайёргарлик кўради. У сузиш бўйича катта иқтидорга эга ёшларимиздан ҳисобланади. Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар касб-ҳунар коллежи ўқувчиси бўлган ушбу 17 яшар қизалоқнинг ота-онаси 11 Олимпия медалини қўлга киритган собиқ СССР спорт устаси Игорь Шухардинга мурожаат қилишади. Шухардин, ўз навбатида, Мафтунани америкалик тренер Майк Лоэфлер билан таништириб қўяди.**

"Америкага келиш ҳамда бу ерда кучли тренерлардан сузиш бўйича сабоқ олиш бахтига муаяясар бўлганимдан", хурсандман, дейди Мафтуна. Майк Лоэфлернинг сўзларига қараганда, у Мафтунани Олимпиада ўйинларига тайёрлаш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга сола-

ди. "Мафтуна истъёдодли сузувчилардан", деб эътироф қилади у, жумладан. Мафтунанинг тайёргарлик машқларини кузатиб бораётган Игорь Шухардиннинг айтишича, у ҳали Олимпия даражасидаги топ-сузувчи даражасига ета олгани йўқ, лекин у бугунги кунда жуда қаттиқ машқ

қилапти. Бу кетишда, албатта, чиниқиб, кучли спортчи бўлиб етишади.

Майк Тоэфлернинг айтишича, Мафтунанинг ягона мақсади - Олимпиадада қатнашиш. "Биз эса унинг келажига учун кўпроқ эътибор қаратаямиз. У кучли ва мувафқиятли коллеж сузувчиси бўлиши билан бир қаторда, АҚШда яхши таълим олиши мумкин".

Мафтуна Тўхтасинова эса ота-онасини, уйдагиларини соғинаётганини айтади. Эслатиб ўтамиз, Мафтуна 2011 йилда бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт ўйинларида ўзини яққол намойиш этган эди.



## Laylak bilan tulki

Laylak bilan tulki do'st bo'lgan ekan. Qimmatchilik vaqti kelib, ikkisi bola-chaqasi bilan och qolibdi. Bir kun laylak tulkiga:

- Tulkiboy, sen uyga qarab o'tir. Men uchib borib o'zimizga va bolalarimizga ovqat topib kelay, - debdi.

Tulki rozi bo'lib, uyda bolalarga qarab qolibdi. Laylak ovga ketibdi.

Tulki uyda o'zining va laylakning bolalariga qarab o'tiraveribdi, oradan besh kun o'tibdi,

yetti kun o'tibdi, laylakdan darak bo'lmabdi. Tulkining qorni nihoyatda ochib, holidan ketay deb qolibdi, ochdan o'lar holga kelibdi. Tulki u yoq-bu yoqqa qarab, hech kim yo'qligidan foydalanib, laylakning bitta bolasini tappa bosib yeb qo'yibdi. Bolani yeb bo'lgandan keyin qarasa, laylak ikki toshbaqa, beshta qurbaqa, ikki ilonni ko'tarib olib, ovdan kelyapti. Tulki aytibdi:

- Ey attangg-a, bir kun qaragam bo'lar ekan, do'stim ancha oziq olib kelar ekan,



nima deb javob beraman, -deb yig'lay boshlabdi.

Laylak uyga kelsa tulki do'sti yig'lab o'tirgan emish. Laylak:

- Ey tulki do'stim, nega yig'laysan? - deb so'rabdi. Tulki yig'i aralash:

- Hay, hay laylak do'stim, bo'yni uzunjonning biri kasal bo'lib o'lib qoldi, shunga yig'layapman, - deb suyaklarini ko'rsatibdi.

Laylak xafa bo'libdi. Yig'labdi va bolasini olib, boshqa yoqqa uchib ketibdi.



## Xatolardan o'rgan

Tomas Edison\* o'z shogirdi bilan birgina chiroq ning yonishida kerak bo'ladigan tolani topish uchun 2000ta elementni tekshirib ko'ribdi. Shunda uning shogirdi tajriba ko'ngildagidek bo'lmagani uchun Tomas Edisonga: "Hamma ishlarimiz zoye ketdi, hech qanday foyda ko'rmadik" deb shikoyat qilibdi.



Shunda Tomas Edison o'ziga ishonch bilan: "Aksincha, biz juda ko'p narsani o'rgandik. Biz hozir shunday ilmga ega bo'ldikki, 2000ta turli elementlardan yaxshi yonadigan chiroq yasab bo'lmas ekanligini bilib oldik" deb javob bergan ekan.

Bu hikoyadan oladigan foydamiz shuki, har birimiz xato qilishdan qo'rqmasligimiz kerak ekan. Aksincha, izlanishda davom etishimiz, xatolardan to'g'ri xulosa chiqarib, qilgan xatolarimizni qaytarmaslikka harakat qilishimiz kerak ekan.

\*Tomas Edison - Amerikalik mashhur ixtirochi olim.



Rasimlarning farqini izlab toping.

## Dehqon

Bir dehqon qo'sh haydab turgan ekan, podshoning qushbegisi ot minib katta yo'ldan o'tib qolibdi. Dehqonga ko'zi tushib:

- Hormang! - debdi.

Dehqon eshitsu ham o'zini eshitmaganga solib, "xo'sh, jonivor!" deb ho'kizlarini qaytarib, yerni hayday beribdi. Bek: "Qulog'i karmi buning, nega indamaydi yoki bu chol meni pisand qilmayaptimi", deb o'yabdi va yana unga qattiqroq: "Hormang!" debdi. Dehqon boshini bir qimirlatib, yana ishini davom ettiraveribdi. Bek g'azablanib jo'nab ketibdi. Qo'rg'onga borib, xizmatkorlariga buyruq beribdi.

- Boringlar, o'sha dehqonning qo'lini orqasiga bog'lab, shu yerga haydab kelinglar!

Girandalar dehqonni ushlab, qo'lini orqasiga bog'lab, bek qoshiga olib kelishibdi. Dehqon bekn ko'rib:

- Assalomu alaykum, bor bo'ling, bor bo'ling, - debdi. Bek:

- Ey ahmoq chol, qo'ling orqangga bog'landi, oldimga kelding, endi o'lishingni bilding. Dalada ikki marta "Hormang", desam ham "Bor bo'ling", demading, - debdi.

Shunda dehqon:

- Taqsir, o'sha vaqtda ekadigan yerimning obi-tobi joyida edi, bor bo'ling, deyishga ham vaqtim yo'q edi. Bir tobidan qochmasin, dedim. Endi oldingizga keldim, qancha "bor bo'ling" kerak bo'lsa, ola bering - debdi.

- Bir botmon yerdan qancha g'alla olasan? - debdi bek. Dehqon:

- Taqsir, agar ikkita yaxshi ho'kizim, bir xizmatkorim bo'lsa, bir botmon yerdan ikki yuz botmon g'alla olaman, - debdi.

Bek:

- Agar bir botmon yerdan ikki yuz botmon g'alla olsang olganing, bo'lmasa, boshing o'limda, moling talovda, - debdi-da, bu so'zni xatga yozib, muhr bostirib beribdi.

Ana endi dehqon bir botmon yerni mo'ljallab, tizza bo'yi qilib haydatibdi, tuprog'ini almashtirib tobiga keltiribdi. Dehqon yerga oq jo'xori ekibdi. Jo'xorilar ikki quloq bo'lganda orasiga lavlagi ham sepibdi. Lavlagi dum tortibdi, har bir lavlagi tagiga chelak-chelak go'ng solibdi. Lavlagi barg chiqarganda, bitta qo'ymay barglarini yulib olibdi. Jo'xori ham yetilib shamol bo'lsa, takalagi bir-biriga urilib shovillay boshlabdi. Lavlagining har bittasi ko'zaday-ko'zaday bo'lib yetilibdi. Dehqonning hosili yetilib tayyor bo'libdi. Bek va amaldorlari kelib:

- Qani, dehqon, bir botmon yerdan ikki yuz botmon hosil olganingni ko'rsat-chi! - debdi.

Dehqon oq jo'xorini yig'ib, yanchib, o'lchatib qarasa, yuz botmon chiqibdi. Shunda bek:

- Ikki yuz botmon hosil olaman degan eding-ku, qani qolgan yuz botmon hosil? - debdi.

Dehqon:

- Shoshmanglar, hozir ekinimning bolasini oldinglar, onasi hali yerda yotibdi, - debdi.

Bekning xizmatkorlari lavlagini yig'ib olib qarashsa, har qaysisi ko'zaday-ko'zaday kelar emish. Ularni o'lchashsa ikki yuz yigirma botmon chiqibdi. Bek dehqon o'z mo'ljalidan ziyoda hosil olganini ko'rib, alamiga chidolmay, g'azablanib:

- Sen shuncha hosilni nima qilasan, bu hosil beklikka kerak, - debdi va xizmatkorlariga:

- Bu hosilning uchdan biri qoldirilib, qolgani qo'rg'onga olib ketilsin! - deb buyuribdi.

U otini minib, qo'rg'on tomonga qarab jo'nabdi. Dehqon mo'l hosil olish yo'lini bilsa ham, o'z mehnatining natijasidan mahrum bo'lib qola beribdi.







# Ўзбекистонлик «Оқ Тайсон» америкалик боксчини «нокаут» қилди

Бокс бўйича оғир вазндаги собиқ жаҳон чемпиони ўзбекистонлик Руслан Чагаев 21 апрел куни Германиянинг Шверин шаҳрида 39 яшар америкалик боксчи Билли Зумбрунга қарши рингга тушди. Саккиз раундга мўлжалланган рейтинг жангининг учинчи раунд ўрталарида "Оқ Тайсон" лақабли Руслан Чагаев рақиби Зумбрунни кучли зарба билан йиқитди.



Қаддини ростлаган Зумбрун яна бир зарбани ўтказиб юбориб бурни синганидан кейин ҳакам техник нокаут (ТКО) сабабли жангни тўхтатди. Ўн икки йилдан бери профессионал боксда фаолият олиб бораётган "Бола" лақабини олган Зумбрун АҚШ ташқарисидати бир марта, яъни, 2006 йилда Германиянинг Дюсселдорф шаҳрида россия-

лик Александр Дмитриенкога қарши рингга тушиб, очколар бўйича ютқазган. Юта штатидан бўлган Билли Зумбрун охириги марта 2012 йил январида ҳамюрти Клифф Каузерга қарши рингга тушиб рақибини нокаут билан ютган.

Америкалик ветеран боксчи Зумбрун рингга, 21 апрел кунги жангни ҳисоблаганда, жаъми 39та жанг ўтказиб ун-

дан 25тасида галаба қозонган, 15та ўйинни нокаут билан ютган. Билли Зумбрун 13та жангда мағлубиятга учраган, бир ўйин дуранг билан яқунланган. 33 яшар Руслан Чагаев 2011 йил ноябр ойида россиялик Александр Поветкинга очколар бўйича бой берган. "Оқ Тайсон" Поветкин билан яна бир марта рингга куч синашишни таклиф қилди. Бироқ Поветкин-

нинг менежери Владимир Хрюнов олдинда бошқа рақиблар билан қатор жанглар ўтказиш белгилангани ва Чагаев билан яна рингга тушиш режада кўзда тутилмаганини айтиб, матч-реванш ўтказишдан бош тортди. Чагаев жорий йил 28 январ куни Ҳамбург шаҳрида ўтказилган саккиз раундлик рейтинг жангида тринидад-ва-тобаголик рақиби Кертсон

Менсуэлл устидан ишончли галаба қозонган.

Руслан Чагаев 22 апрелгача профессионал рингга 29 та жанг ўтказиб, 26 тасида галаба қозонган, иккита ўйинда мағлубиятга учраган, бир ўйинни дуранг билан яқунлаган. "Оқ Тайсон" 18 та ўйинни нокаут билан тугатган. Ҳозирда Руслан Чагаев WBA рейтингига саккизинчи ўринни эгаллаган.

**BRAMSON ORT COLLEGE** [www.BramsonORT.edu](http://www.BramsonORT.edu)

**QUEENS CAMPUS**  
69-30 Austin Street, Forest Hills  
877-404-5373  
Zoya Yakubova ext. 178

**BROOKLYN CAMPUS**  
8109 Bay Parkway, Brooklyn  
877-472-1097  
Tatyana Golovko ext. 233

- ACCOUNTING
- PARALEGAL
- BUSINESS & HOTEL MANAGEMENT
- BUSINESS MANAGEMENT ONLINE DEGREE
- ADMINISTRATIVE ASSISTANT
- MEDICAL ASSISTANT
- PHARMACY TECHNICIAN
- PROFESSIONAL BILLING AND CODING
- ELECTRONICS TECHNOLOGY
- HVAC & CADD
- RENEWABLE ENERGY TECHNICIAN
- COMPUTER NETWORKING
- COMPUTER PROGRAMMING
- GRAPHIC DESIGN (MAC & PC)
- GAME DESIGN & PROGRAMMING
- WEB DESIGN & WEB ANIMATION
- ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE

GET YOUR DEGREE!

LOW TUITION!

REGISTER TODAY

EDUCATION is The SECRET to SUCCESS!  
Invest in YOUR FUTURE!

Open House  
May 6th, 2012  
12 - 4 pm

- ✓ ПОМОГАЕМ В ТРУДОУСТРОЙСТВЕ
- ✓ ОКАЗЫВАЕМ ФИНАНСОВУЮ ПОМОЩЬ
- ✓ КЛАССЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ
- ✓ ДНЕВНЫЕ, ВЕЧЕРНИЕ И УТРЕННИЕ КЛАССЫ

The Bramson ORT Programs Gainful Employment Disclosures are posted on [www.BramsonORT.edu](http://www.BramsonORT.edu)